

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

РАББИМОВ АБРОР МЕҲРИДДИН ЎҒЛИ

**«САМАРҚАНД ПАХТА САНОАТ» ОАЖ МОДДИЙ РЕСУРСЛАРИ
ҲОЛАТИ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

5A340102 «Иқтисодиёт» (Тармоқлар ва соҳалар бўйича)
Магистрлик академик даражасини олиш учун ёзилган

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ

Иш кўриб чиқилди ва
ҳимояга қўйилди.
«Иқтисодиёт» кафедраси
муdiri, проф. Б.А.Абдукаримов
_____ «__» _____ 2012 й.

Илмий раҳбар:
и.ф.н., доцент А.Бектемиров

Самарқанд – 2012

**Самарканд иктисодиёт ва сервис институти 5А 230102 «Иктисодиёт
(тармоклар ва сохалар бўйича)» мутахассислиги Магистратура бўлими МИ-
110 гуруҳ битирувчиси Раббимов Абборнинг "«Самарканд пахта саноат»
ОАЖ моддий ресурслари ҳолати ва унинг самарадорлигини ошириш
йуллари" мавзусидаги бажарилган магистрлик диссертацияси
хусусида**

М У Л О Ҳ А З А

Мамлакатимиз иктисодиётининг бозор муносабатларига утиши, шунингдек, иктисодиётни модернизациялаш ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш шароитида олдимиздаги катор ижтимоий-иктисодий вазифаларни ҳал этиш, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни талаб этади. Меҳнат ресурслари эса, маълумки, ишлаб чиқариш ва хизмат курсатишнинг асосий омили бўлиб, бошқа ресурсларга нисбатан узига хос хусусиятларга эга.

Бугунги кунда олдимизга қуйган мақсадларимизга эришишимиз жамиятимизнинг янгилалиши, ҳаётимизнинг таракқиёти ва истикболи амалга оширилаётган ислохатларимиз, режаларимизнинг самараси тақдири - буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқдир. Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Диссертация иши; Кириш, **туртта боб, хулоса ва** фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг урганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, унинг назарий ва методологик асослари ҳамда унинг таркиби баён этилган.

Ишнинг биринчи боби **"Моддий ресурслар моҳияти, таркиби ва уларни таҳлил қилишнинг объектив зарурияти"** деб номланиб, бунда моддий ресурсларнинг моҳияти, таркиби, уларнинг корхоналар фаолиятига таъсири ҳамда моддий ресурсларни таҳлил қилишнинг объектив зарурияти назарий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Ишнинг иккинчи боби **"«Самарканд пахта саноат» ОАЖ моддий ресурслари ҳолати таҳлили** деб номланиб, бунда **"«Самарканд пахта саноат»** ОАЖга иктисодий тасниф берилиб, корхона моддий ресурслари билан таъминланганлиги, моддий ресурслар ҳолати ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш курсаткичлари таҳлил этилган.


Ишнинг учинчи боби **"Мамлакатни модернизация қилиш шароитида "«Самарканд пахта саноат» ОАЖда моддий ресурслар самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари** деб номланиб, бунда корхона молиявий барқарорлиги, корхона моддий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва моддий ресурсларни таҳлини такомиллаштириш йуллари очиқ берилган.

Ишнинг туртинчи боби **"Хает фаолияти хавфсизлиги"**деб номланиб, асосий эътиборкорхонада ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш борасидаги эргономика, метрология талаблари ва шароитлари ҳамда электр ва ёнгин хавфсизлигини олдини олиш, энг муҳими меҳнат қилаётган ходимлар хавфсизлигини таъминлаш масалаларига бағишланган.

Ишнинг якунида хулосалар ва корхона моддий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йуллари ва моддий ресурслар тахлилини такомиллаштириш буйича таклифлар берилган.

Умуман ушбу Диссертация иши яхши расмийлаштирилган, куп сонли адабиётлар ва амалий материаллардан яхши фойдаланилган.

Ушбу камчиликларга карамай **Раббимов Аброрнинг "«Самарканд пахта саноат» ОАЖ моддий ресурслари ҳолати ва унинг самарадорлигини ошириш йуллари"** номли диссертация ишини илмий аҳамияти катта бўлиб, ишнинг мазмуни ва моҳияти Давлат Аттестация Хдйъати томонидан қуйилган талабларга жавоб беради ва унинг муаллифи **Раббимов Аброр 5А 230102 «Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар буйича)»** мутахассислиги бЎШИча магистр илмий даражасини олиш учун лойик деб ҳисоблайман ва ҳимояга тавсия этаман



А.Бектемиров

Илмий рахбар: И.ф.н., доцент

**Самарканд иктисодиёт ва сервис институти 5А 230102 «Иктисодиёт
(тармоқлар ва соҳалар бўйича)» мутахассислиги Магистратура бўлими
МИ-110 гуруҳ битирувчиси Раббимов Абдорнинг "«Самарканд пахта
саноат» ОАЖ моддий ресурслари ҳолати ва унинг самарадорлигини
ошириш йуллари" мавзусидаги диссертациясига расмий оппонент
О.Муртазаевнинг**

ТАКРИЗИ

Иктисодиёни эркинлаштириш ва ислохатларни чуқурлаштиришнинг бугунги шароитида корхоналарда моддий ресурслар таҳлили ва уларнинг самарадорлигини ошириш йуллари долзарб масала ҳисобланади. Чунки иктисодиётни модернизациялаш шароитида пахтани қайта ишлаш ва тозалаш заводларида моддий ресурсларнинг шаклланиши ва ишлатилиши, уларнинг таҳлилини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш муҳим масалалардан биридир.

Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг урганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, унинг назарий ва методологик асослари ҳамда унинг таркиби баён этилган.

Ишнинг биринчи боби **"Моддий ресурслар моҳияти, таркиби ва уларни таҳлил қилишнинг объектив зарурияти"** деб номланиб, бунда моддий ресурсларнинг моҳияти, таркиби, уларнинг корхоналар фаолиятига таъсири ҳамда моддий ресурсларни таҳлил қилишнинг объектив зарурияти назарий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Ишнинг иккинчи боби **"«Самарканд пахта саноат» ОАЖ моддий ресурслари ҳолати таҳлили** деб номланиб, бунда **"«Самарканд пахта саноат» ОАЖ**га иктисодий тасниф берилиб, корхона моддий ресурслари билан таъминланганлиги, моддий ресурслар ҳолати ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш курсаткичлари таҳлил этилган.

Ишнинг учинчи боби **"Мамлакатни модернизация қилиш шароитида "«Самарканд пахта саноат» ОАЖда моддий ресурслар самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари** деб номланиб, бунда корхона молиявий барқарорлиги, корхона моддий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва моддий ресурсларни таҳлини такомиллаштириш йуллари очиқ берилган.

Ишнинг тўртинчи боби **"Х,аёт фаолияти хавфсизлиги"** деб номланиб, асосий эътибор корхонада ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш борасидаги эргономика, метрология талаблари ва шароитлари ҳамда электр ва ёнгин хавфсизлигини олдини олиш, энг муҳими меҳнат қилаётган ходимлар хавфсизлигини таъминлаш масалаларига бағишланган.

Ишнинг якунида хулосалар ва корхона моддий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йуллари ва моддий ресурслар таҳлилини такомиллаштириш бўйича тақлифлар берилган.

Умуман ушбу Диссертация иши яхши расмийлаштирилган, куп сонли адабиётлар ва амалий материаллардан яхши фойдаланилган.

Шу билан бирга ишда айрим камчилик ҳам мавжуд. Улар жумласига куйидагиларни киритиш мумкин.

- ишда айрим орфографик ва грамматик хатолар бор.
- ишда айрим тахрирга мухтож жумлалар мавжуд.

Ушбу камчиликларга карамай **Раббимов Аброрнинг "«Самарканд пахта саноат» ОАЖ моддий ресурслари ҳолати ва унинг самарадорлигини ошириш йуллари"** номли диссертация ишини илмий аҳдмияти катта булиб, ишнинг мазмуни ва моҳияти Давлат Аттестация Хдйъати томонидан куйилган талабларга жавоб беради ва унинг муаллифи **Раббимов Аброр** 5А 230102 «Иктисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)» мутахассислиги бўйича магистр илмий даражасини олиш учун лойик деб ҳисоблайман.

**Самарканд кишлок хужалик
институти "Кишлоқ хужалиги
иктисодиёти ва бошқаруви"
кафедраси мудири, иктисод
фанлари доктори, профессор**



МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I-боб Моддий ресурслар таркиби, таснифи ва уларни таҳлил қилишнинг объектив зарурияти	9
1.1. Моддий ресурсларнинг иқтисодий табиати ва корхона фаолиятида тутган ўрни	9
1.2. Моддий ресурсларни таҳлил қилишнинг объектив зарурияти.	20
II-боб “Самарқанд Пахтасаноат” ОАЖнинг моддий ресурслари таҳлили	26
2.1. “Самарқанд Пахтасаноат” ОАЖ нинг ташкилий-иқтисодий тавсифи	26
2.2. “Самарқанд Пахтасаноат” ОАЖ асосий воситалари ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлари таҳлили	35
2.3. “Самарқанд Пахтасаноат” ОАЖ товар моддий захиралари ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлари таҳлили	46
III-боб “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналарда моддий ресурслар самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари”	51
3.1. “Самарқанд Пахтасаноат” ОАЖ моддий ресурслар таҳлилида қўлланиладиган кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш	51
3.2. “Самарқанд Пахтасаноат” ОАЖ молиявий барқарорлигини ошириш ва моддий ресурсларидан самарали фойдаланишнинг асосий йўллари	55
IV-боб Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.....	64
4.1. “Самарқанд Пахтасаноат” ОАЖ меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги эргономика, метрология талаблари ва шароитлари	66
4.2. “Самарқанд Пахтасаноат” ОАЖ да электр ва ёнғин хавфсизлиги	
Хулоса.....	70
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	76
Иловалар.....	79

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ҳар қандай жамиятда инсонлар ўз эҳтиёжларини қондиришлари шарт, чунки ҳаёт кечириш — эҳтиёжларнинг қондирилишини аниқлатади. Ҳаётини эҳтиёжларнинг турлиликларини: иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий ва соф физиологик эҳтиёжлар. Улар жамиятнинг иқтисодий тараққиёти даражасига, ижтимоий-иқтисодий тузумига, ҳаёт кечиришнинг табиий-географик шароитига, тарихий-миллий анъаналар ва одатларга боғлиқдир.

Иқтисодиёт қолоқ бўлса эҳтиёжлар доираси тор ва, аксинча, ривожланган бўлса эҳтиёжлар дораси кенгайди ва хилма-хил бўлади.

Инсон эҳтиёжини тўлароқ қондиришнинг негизида мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш воситасида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ётади. Мамлакат моддий ишлаб чиқариш қанчалик юксалса шунчалик кўпроқ ялпи маҳсулот ва миллий даромад яратилади.

Мамлакатни модернизация қилиш даврида ўтаётган ҳар бир кун жамиятимизнинг мазмун жihatдан янгиланаётганидан далолат бериб келмоқда. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида янги иқтисодий категориялар, тушунчалар ҳаётимизга шу даражада тезлик билан кириб келмоқдаки, уларни идрок қилиш, назарий ва амалий жihatдан тадқиқ қилиш, методологик муаммоларни хал қилишга улгуриш қийин бўлмоқда.

Ўзбекистонда ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатларида чоп этилаётган иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисми бўлган молиявий таҳлилга оид адабиётларда корхонанинг молиявий хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда, асосан, унинг тасарруфидаги активларни урганиш билан чекланиб қолмоқда. Бу бизнинг фикримизча, корхонанинг иқтисодий фаолиятини тўлиқ таҳлил қилиш учун назарий ва методологик жihatдан етарли эмас. Чунки корхонанинг иқтисодий фаолияти бевосита унда содир бўладиган иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ.

Иқтисодиётда фаолият кўрсатаётган ҳар қандай корхона бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий рақобатда ютиб чиқишга ўзларининг

манфаатларини мутлок кондиришга ҳаракат қиладилар. Айнан шу ҳаракатларни мамлакат ички бозорининг туййинишига олиб келади.

Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислохот ва модернизация модели орқали биз ўз олдимизга узоқ ва давомли миллий манфаатларимизни амалга ошириш вазифасини қуяр эканмиз, энг аввало, “шок терапияси” деб аталган усулларни бизга четдан туриб жорий этишга қаратилган ўринишлардан, бозор иқтисодиёти узини узи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан вос кечдик.¹

Маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бошқарувнинг бозор тизимига ўтиш жараёнида тадрижий ёндошувни, “Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг” деган ҳаётий тамоилга таянган ҳолда, ислохотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танладик.

Корхоналар хўжалик фаолиятининг ривожланиши кўп жихатдан мавжуд иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигига боглик бўлади. Иқтисодий ресурсларга моддий молиявий ва меҳнат ресурслари киради.

Ўзбекистон Республикасида амалга ошаётган иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш муаммоси ҳозирги кунда ута долзарб муаммолардан биридир.

Бу ўз навбатида режали иқтисодиёт шароитида шаклланган барча иқтисодий дастакларнинг мазмун жихатдан янгиланишини тақазо қилади. Бўлар қаторига таҳлил ҳам киради.

Таҳлил қилишдан асосий мақсад ёки корхоналар фаолиятини урганишнинг мақсади ҳозирги шароитда фаолият кўрсатаётган барча ташкилотларнинг хўжалик фаолиятини уларни бошқарувчиларга ёрдам сифатида яккол кўрсатиб беришдан, камчиликларни очиб ташлашдан, ички имкониятларини ишга соладиган чора тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат.

Ҳозирги шароитда хўжалик фаолиятига баҳо бериш учун олдинги қўлланилган кўрсаткичлар тизими яроксиз бўлиб қолди. Энди иқтисодиётни

¹И.А.Каримов жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари-Т.:Ўзбекистон, 2009.

эркинлашган пайтида ҳар бир корхонанинг мустақиллиги билан бирга олган ҳолда ҳўжалик фаолиятини янгича баҳолаш учун мазмун жихатдан янгича кўрсаткичлар тизими тавсия қилинган.

Ҳозирги пайтда корхоналар тасарруфидаги барча ресурслардан тежамли фойдаланиш жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида янада долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурида “... қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш.

... таннархни камайтириш бўйича белгиланган параметрларга эришиш учун раҳбар ва масъул ходимларни рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмини ишлаб чиқиш ...”² вазифа этиб белгиланган.

Шундай экан ҳозирги шароитда моддий ресурслардан фойдаланиш борасида ҳали бир қанча муаммолар мавжуд. Бу муаммоларнинг ечимлари аста секин ишлаб чиқилмоқда.

Муаммонинг ўрганалиш даражаси. Моддий ресурсларнинг иқтисодий табиати ва корхона фаолиятида тўтган ўрни, моддий ресурсларни таҳлил қилишнинг ҳозирги иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида объектив зарурияти, бозор иқтисодиёти шароитида моддий ресурслардан фойдаланиш борасида мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари Ж.М. Кейнс, Р. Лукас, М. Фридмен, Х. Розан каби хорижий етакчи иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари бағишланган.

Бу мавзу доирасида Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлари ўз илмий ишларини олиб боришган. Улар жумласига И.Т.Абдукаримов, Э. Ақромов, Б.И. Исроилов, Ё.Абдуллаев, Б.А.Абдукаримов, М.Қ.Пардаев ва бошқалар етакчи ўринни эгаллашади.

² Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 32 бет.

Тадқиқот ишининг мақсади. Самарканд “Пахтасаноат” ОАЖнинг моддий ресурслар самарадорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш борасида мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўллари белгилаш.

Тадқиқот ишининг вазифалари:

- Моддий ресурсларнинг иқтисодий табиати ва корхона фаолиятида тўтган ўрнини аниқлаш;
- Моддий ресурсларни таҳлил қилишнинг ҳозирги иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида объектив заруриятини аниқлаш таҳлил кўрсаткичлари бўйича корхона истиқболларини белгилаш;
- Моддий ресурслар самарадорлигини ўрганиш ва уни ошириш бўйича йўналишларни ишлаб чиқиш;
- Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида моддий ресурслардан фойдаланиш борасида мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимларини ишлаб чиқиш;

Шу билан бирга тадқиқот натижасида Самарканд вилоят “Пахтасаноат” уюшмаси моддий ресурсларлари ҳолатининг таҳлили, моддий ресурслар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилининг ўтказиб шунга ўхшаш бўлган муаммоларни ечиш учун чора-тадбирлар ўтказишга қаратилган тавсиялар бериш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Ишининг тадқиқот объекти бўлиб, Самарканд вилоят “Пахтасаноат” уюшмаси моддий ресурслари ҳисобланади. Тадқиқотнинг предмети Самарканд вилоят “Пахтасаноат” уюшмаси” моддий ресурслари ҳолати, моддий ресурслар билан таъминланганлик даражаси, фойдаланиш даражаси ва уларни самарадорлигини ошириш йўллари ҳисобланади.

Ишнинг амалий аҳамияти. Самарканд вилоят “Пахтасаноат” уюшмаси моддий ресурслари ҳолати, моддий ресурслар билан таъминланганлик даражаси, фойдаланиш даражаси ва уларни самарадорлиги

таҳлил қилиниб ва шулар асосда моддий ресурслар самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқиш.

Ишнинг тузилиши. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловаларни ўз ичига олади.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, унинг назарий ва методологик асослари ҳамда унинг таркиби баён этилган.

Ишнинг биринчи боби **“Моддий ресурслар моҳияти, таркиби ва уларни таҳлил қилишнинг объектив зарурияти”** деб номланиб, бунда моддий ресурсларнинг моҳияти, таркиби, уларнинг корхоналар фаолиятига таъсири ҳамда моддий ресурсларни таҳлил қилишнинг объектив зарурияти назарий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Ишнинг иккинчи боби **“«Самарқанд пахта саноат» ОАЖ моддий ресурслари ҳолати таҳлили** деб номланиб, бунда **“«Самарқанд пахта саноат» ОАЖга** иқтисодий тасниф берилиб, корхона моддий ресурслари билан таъминланганлиги, моддий ресурслар ҳолати ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари таҳлил этилган.

Ишнинг учинчи боби **“Мамлакатни модернизация қилиш шароитида «Самарқанд пахта саноат» ОАЖда моддий ресурслар самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари”** деб номланиб, бунда корхона молиявий барқарорлини, корхона моддий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва моддий ресурсларни таҳлини такомиллаштириш йўллари очиб берилган.

Ишнинг тўртинчи боби **“Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги”** деб номланиб, асосий эътибор корхонада ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш борасидаги шароитлари ҳамда электр ва ёнғин хавфсизлигини олдини олиш, энг муҳими меҳнат қилаётган ходимлар хавфсизлигини таъминлаш масалаларига бағишланган.

Ишнинг якунида хулосалар ва корхона моддий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари ва моддий ресурслар таҳлилини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

I- БОБ. Моддий ресурслар таркиби, таснифи ва уларни таҳлил қилишнинг объектив зарурияти

1.1.Моддий ресурсларнинг иқтисодий табиати ва корхона фаолиятида тутган ўрни

Бозор иқтисодиёти шароитида молия хўжалик фаолиятини амалга оширишда моддий ресурсларнинг ўрни нихоятда каттадир. Моддий ресурслар корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнида жуда ката роль уйнайди, чунки улар барча корхона таянадиган ва корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини баҳолаш мезони бўлган ишлаб чиқариш базасини ташкил этади.

Марказлашган режали иқтисодиёт таҳлиliga оид адабиётларда корхонанинг моддий бойлиги (ресурслари)ни ва меҳнат ресурсларини барча ресурслар мажмуаси сифатида қараш кўзда тутилган эди.

Уларнинг таҳлили барча ресурслар таҳлили деб юритилар эди. Аммо иқтисодиётни эркинлаштириш тамойилига асосланган бозор муносабатлари ҳукм сураётган ҳозирги шароитда иқтисодий жараёнлар таркибида моддий ва меҳнат ресурслари билан биргаликда номоддий активлар ҳам иштирок этади. Уларнинг таркибига муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, нау-хау, савдо маркалари, рўхсатномалар каби тушунчалар қиймати киради. Булар моддий бўлмасада, корхонага худди моддий бойлик сингари фойда келтиради. Аммо уларни корхонанинг моддий бойлигига киритиш мумкин эмас, чунки уларнинг шакли, мазмуни ва моҳияти жихатдан номоддийдир.

Корхонанинг моддий ресурслари таркиби куйдагилардан иборат:

1. Асосий воситалар.
2. Товар-моддий захиралар.

Корхона миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, Ушбу ресурслар ичида энг муҳимларидан бири ва хўжалик юритишда бирламчи аҳамият касб этадигани моддий ресурслар ҳисобланади. Моддий ресурслар бевосита корхона ташкил бўлишида асос ва унинг фаолиятида маблағ айланишини (пул-товар-пул) ҳаракатга келтирувчи воситалардир.

Корхонанинг асосий белгиси – уларнинг ўзларига тегишли мулкнинг мавжудлигидир. Айнан шу нарса корхонанинг моддий техник имкониятларини белгилаб беради ҳамда уларнинг иқтисодий эркинлиги ва келажагини таъминлайди. Муайян мулкдан фойдаланмасдан ҳеч корхона ўзининг хўжалик фаолиятини амалга ошира олмайди.

Корхона мулкни айланма маблағлар(активлар) ва узоқ муддатли активларга ажратиш мумкин. Бунда корхона мулкнинг нафақат ижтимоий кўриниши, балки ишлаб чиқариш жараёнидаги роли, аҳамияти ва корхона иқтисодиётига таъсири ҳам ҳисобга олинади.

Корхоналарда узоқ муддатли активларнинг тузилиши ва таркиби биридан тубдан фарқ қилади. Бироқ барча корхоналар узоқ муддатли активлари таркибида асосий фондлар салмоқли ҳиссани ташкил этади.

Асосий воситалар – бу моддий бойлик бўлиб, ўзининг табиий кўринишини узоқ вақт мобайнида ўзгартирмайди ҳамда қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга аста-секинлик билан ўтказиб боради.

Асосий воситаларнинг аҳамияти шундан иборатки, улар меҳнат жараёнида мулк шаклини сақлаб қолиб, ҳар бир босқичдан кейин ишлаб чиқариш соҳасини тарқ этмайди. Хўжалик субъекти аниқ баҳоланган активдан иқтисодий фойда олишга ишончи бўлган тақдирдагина асосий воситаларни актив сифатида тан олади.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида асосий фондалар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи, иқтисодий ўсишни таъминловчи барча омиллар ичида асосий ўрин эгаллайди.

Асосий фондлар жамият моддий ресурсларининг асосий қисmini ташкил этади. Уларнинг 65 % дан кўпроғи асосий ишлаб чиқариш воситаларига тўғри келади.³

Ишлаб чиқариш асосий воситалари моддий ишлаб чиқариш соҳасида қатнашади. У ўзининг амал қилиш цикли давомида ишлаб чиқариш

³¹ Абдукаримов Б. А. ва бошқалар Корхона иқтисодиёти-Т.: Фан, 2005.

жараёнида бир неча марта ишлатилади. Ишлаб чиқариш асосий фондалари босқичма - босқич эскириб, ўз қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга тақсимлаб ўтказиб боради. Улар амортизация харажатлари ҳисобидан қопланади.

Корхона фаолиятида ноишлаб чиқариш асосий воситалари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Улар ходимларга хизмат қиладиган турар жойлар, боғча, спорт муассалари, ва бошқа маданий – маиший хизмат кўрсатувчи объектлардир. Ишлаб чиқариш воситаларидан фарқли уларок, улар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашмайди. Улар ўзларининг қийматини маҳсулот қийматига ўтказмайди. Уларнинг қиймати истеъмолда йўқ бўлиб кетади. Уларнинг ўрни тўлдирилмайди. Улар корхона фойдаси ҳисобига такрор ишлаб чиқарилади.

Ноишлаб чиқариш асосий воситалари ишлаб чиқариш хажми ва меҳнат унумдорлигига бевосита таъсир ўтказмасада, ишчилар турмуш шароити билан боғлиқ ҳолда, албатта корхонанинг хўжалик фаолияти натижасига таъсир қиладди.

Корхонанинг асосий ишлаб чиқариш воситалари иқтисодий ўрнатилганлигига қарамасдан, умумий мақсади ва хизмат қилиш муддати билан фарқланувчи меҳнат воситаларининг асосий қисмини ташкил этади. Шунинг учун уларни алоҳида хусусиятлари бўйича муайян гуруҳларга ажратиш зарурияти туғилади.

Корхонанинг асосий ишлаб чиқариш воситалари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- ер участкалари, эгалик қилиш ҳуқуқига эга корхонага тегишли бўлган табиатан фойдаланиш объектлари (сув, ер ости бойликлари ва бошқа табиий ресурслар);

- бинолар (ишлаб чиқариш – техник, ёрдамчи бинолар ва бошқалар);

- иншоотлар (муҳандислик қурилиш объектлари, кўприклар, электр узатиш мосламалари ва бошқалар);

- машина ва жихозлар;

- ўлчаш ва назорат қилиш асбоблари, курилмалари ва лаборатория жихозлари;
- ҳисоблаш техникаси;
- транспорт воситалари(ички ва ташки ишлаб чиқариш);
- қиймати энг кам иш хакининг 50 баробаридан кўп бўлган асбоб ва мосламалар;
- ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари хўжалик ичидаги йўллар.

Асосий фондлар алоҳида гурухлари ўртасидаги нисбат асосий фондларнинг қайси гурухи учун маблағ сарфланиши жамият учун аҳамиятсиз эмас. Чунки корхоналарни ишлаб чиқаришда асосий ўрин эгаллайдиган ва уларнинг ишлаб чиқариш имкониятларини характерлайдиган асосий фондларнинг актив қисми машина ва жихозларнинг кўпайиши қизиқтиради.

Асосий фондлар актив қисмининг меъёрий ишлашини таъминлайдиган бинолар, иншоотлар, инвентарлар асосий фондларнинг пассев қисмига киради. Асосий ишлаб чиқариш воситалари қийматида жихозлар ҳиссасининг ошиши бошқа тенг шароитларда ишлаб чиқариш шароитининг ўсишига ва фондлар қайтимининг ошишишга олиб келади.

Шунинг учун асосий фондлар структурасини тўғри ташкил этиш ишлаб чиқаришнинг усишига, таннархнинг пасайишига ва корхона пул маблағларининг ортишига олиб келувчи шарт сифатида қаралади. Саноатнинг турли тармоқларига тегишли корхоналарда асосий ишлаб чиқариш воситалари структураси бир хил булмайди. Енгил ва озиқ-овқат саноатида бинолар асосий ўрин эгаллайди (44-46%), ёнилғи саноатида иншоотлар (17-19%), электр энергетика саноати корхоналарида ўзатиш мосламалари (30-33%), машинасозлик корхоналарида машина ва жихозлар асосий ўрин эгаллайди.

Асосий ишлаб чиқариш воситаларига асосий таъсир қилувчи омиллар бўлиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот характери, маҳсулот ишлаб чиқариш

ҳажми, механизация ва автоматлаштирилганлик даражаси ва корхонанинг иқлим ва географик жойлашиши ва хусусиятлари ҳисобланади.

Биринчи омил биноларнинг қиймати ва ўлчамига, транспорт воситалари ва ўтказиш қурилмаларининг ҳиссасига таъсир қилади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши-маҳсус ишчи машина ва жихозлар ҳиссасининг ошишига олиб келади. Худди шундай учунчи ва тўртинчи омиллар ҳам асосий фондлар тузилишига таъсир қилади. Асосий фондлар таркибидаги бино ва иншоотлар ҳиссаси иқлим шароити билан ҳам боғлиқ.

Бозор иқтисодиёти шароитида вужудга келган мулкчиликнинг турли хил шаклларида асосий фондлардан самарали фойдаланиш иқтисодий жихатдан муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Асосий фондларнинг самарадорлигини ошириш учун, энг аввало, асосий воситалар бўйича амортизация ва эскириш суммаларининг ҳолатини куриб чиқиш мақсадга мувофиқдир, чунки ушбу кўрсаткичларга асосланиб корхонада асосий воситалардан фойдаланиш даражасига баҳо берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари ва давлат бюджети тўғрисидаги 1996 йил 31 декабрдаги 469 сонли қарорига асосан Ўзбекистон молия вазирлигининг 1997 йил 27 февралдаги 09-сонли ва Республика солиқ қўмитасининг 97-16 сонли “Асосий фондларнинг гуруҳлари бўйича амортизацияни ҳисоблашнинг ягона меъёри тўғрисида”ги хатига мувофиқ, 1997 йил 1 январдан асосий фондларнинг амортизациясини ҳисоблаш тартибига ўзгартиришлар киритилди. Бу хатга мувофиқ корхона ва ташкилотларда ишлатиладиган асосий воситалар бўйича бир йил учун қуйидаги амортизация меъёри жорий қилинди ва улар беш гуруҳга бўлинади:

1. Бино ва иншоотлар учун – 5 фоиз.
2. Енгил машиналар, таксилар, йўл қурилишида ишлатиладиган техникалар, маҳсус асбоблар, жихозлар, компьютерлар учун – 20 фоиз.

3. Юк ташувчи автомобиллар, автобуслар, саноат қурилишидаги барча турдаги машиналар, ишлаб чиқариш тармоғидаги механизмлар, ишлов берувчи жихозлар, қурилиш ускуналари, қишлоқ хўжалик машина ва асбоб ускуналари учун – 15 фоиз.

4. Темир йул, денгиз, дарё ва ҳаво транспорти воситалари учун – 8 фоиз.

Қуйидаги фондлар бўйича амортизация ҳисобланмайди:

- Маҳсулдор моллар ва иш хайвонлари учун;
- Кутубхона воситалари учун;
- Шахарни ободонлаштириш иншоотлари, ҳокимликка

хизмат қилувчи бинолар ва жамоат фойдаланадиган транспорт йўллари учун;

Асосий ишлаб чиқариш воситаларининг ўсиши ялпи молиявий натижа ҳажмининг ўсиши билан ўзаро боғлиқдир. Хужаликни тўғри юритиш натижасида ялпи молиявий натижа ҳажмининг ўсиши суръатидан юқори бўлади. Шунда фондларга бўлган талаб маҳсулот бирлиги ҳисобига камаяди.

Амортизация жараёни асосий фондлар қийматининг қисман ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга уларнинг хизмат муддати давомида утказилиб борилишини ва келгусида бу қийматнинг фондлар истеъмолини қоплашга сарфланишини билдиради.

Асосий фондларни такрор ишлаб чиқаришнинг турли шакллари мавжуд. Оддий такрор ишлаб чиқариш шакли – бу эскирган меҳнат воситаларини капитал таъмирлаш. Бунда таъмирлаш харажатлари бевосита маҳсулот таннархига қўшилади.

Ноишлаб чиқариш воситаларини таъмирлаш учун харажатлар фойда ҳисобига қопланади.

Асосий фондларни кенгайтирилган шаклда такрор ишлаб чиқариш деганда янги қурилишни амалга ошириш корхона фаолиятини кенгайтириш, уни реконструкция қилиш, техник қайта қўролланиш ҳамда ускуналарни модернизация қилиш тушунилади.

Бу шаклларнинг ҳар бири аниқ вазифани бажаради, ўзига яраша камчилик ва ўхшашликлари бор. Янги қурилиш ҳисобига асосий фондларнинг барча элементлари замон талабига жавоб бера оладиган корхоналар юзага келади. Бирок ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришнинг сусайиши билан кўпчилик корхоналар маблағ етишмаслиги туфайли фаолиятини тўхтатадалар. Реконструкция қилишда капитал харажатларнинг асосий қисми эски ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларидан фойдаланиш даврида фондларнинг актив қисмини такомиллаштиришга йўналтирилади. Ускуналарга қилинаётган харажатлар ҳиссасининг ошиши меҳнат унумдорлиги ортишига, ишлаб чиқаришнинг кенгайишига ва маҳсулот таннархининг пасайишига олиб келади.

Ускуналарни модернизациялаш уларнинг маънавий эскиришини тулиқ ёки қисман бартараф қилиш ва ишлаб чиқаришга нисбатан замонавий реконструкцияларни жорий қилиш имкониятини туғдиради.

Моддий ресурсларнинг муҳим тури **товар-моддий захиралардир.**

Товар-моддий захиралар айланма активларнинг бир қисми ҳисобланади. Улар ҳақидаги маълумотлар молиявий ҳисоботда: “Бухгалтерия баланси” 2-бўлимининг “Айланма активлар”да кўрсатилади. Уларга:

- ишлаб чиқариш захиралари, яъни ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнида фойдаланиш учун мўлжалланган хомашё ва материаллар;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш;
- тайёр маҳсулотлар киради.

Ишлаб чиқариш захиралари – бу ишлаб чиқариш жараёнига киритиш учун тайёрланган меҳнат предметларидир. Улар ҳом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёнилғи сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмлар, идиш ва идиш материаллари учун эҳтиёт қисмлардан иборат, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва ўзи тайёрлаган ярим тайёр маҳсулотлар – бу ишлаб чиқариш жараёнига кирган меҳнат предметлари: материаллар, деталлар, ишлов жараёнидаги буюмлар, шунингдек корхонанинг бир цехда

охиригача ишлаб чиқарилмаган ва кейинчалик шу корхонанинг бошка цехида ишлатилиши лозим бўлган ярим тайёр маҳсулотлар. Уларнинг ортиқчалиги меъёрдан ортиқ қолдиқлар пайдо бўлишига, сақлаш харажатларининг кўпайишига сабаб бўлади.

Корхона раҳбарлари бухгалтерия баланси билан танишаётганда ишлаб чиқариш захираларининг йиллик суммаси ўзгаришига эътибор беришлари керак. Агар улар ишлаб чиқариш хажими ва маҳсулот сотилиши билан ўзгарса, айти муддао. Чунки ишлаб чиқариш хажмлари камайиб, ишлаб чиқариш захиралари кўпайса, бу меъёрдан ортиқча захиралар пайдо бўлишидан далолат беради. Бу маблағлар айланиши қисқараётганлиги ва ишлаб чиқариш харажатлари кўпаяётганлигини англатади. Буларнинг сабабини аниқлаб, ишлаб чиқариш захираларини меъёрга келтиришга қаратилган тегишли бошқарув қарорлари қабул қилиниши лозим.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш – тугалланмаган ишлаб чиқариш ва ишлар учун килинган харажатлардир. Улар хажми ишлаб чиқариш жараёни давомийлиги, яъни барча бутловчилар билан таъминланган маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган вақтга боғлиқ. Бунда тугалланган ишлаб чиқариш ҳисобга олинади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5-февралда 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар,хизматлар)ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом”да белгиланган таннарх бўйича ҳисоботда акс эттирилади.

Раҳбарлар ҳисоботни таҳлил этиб тугалланмаган ишлаб чиқариш суммаси ишлаб чиқариш захиралари ва тайёр маҳсулот ўзгаришига нисбатан камайганлиги ёки кўпайганлигига эътибор қаратиш керак. Агар тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ўсиши тайёр маҳсулот ўсишига караганда жадалроқ рўй бераётган бўлса, бу муайян турдаги ишлаб чиқариш захиралари ва маҳсулот тўлиқ йиғилмаслигига олиб келиши мумкин. Бундай пайтда имкон борица тезроқ зарур ҳом ашё ва материаллар билан таъминлаш чораларини кўриш керак бўлади.

Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариши тугалланмаган, синовдан ўтган ва қабул қилинган, буюртмачилар билан тузилган шартномаларга мовофик барча қисмлар билан бутланган ҳамда тегишли техник шартлар ва андозаларга мос буюмлар қолдиғи. Кўрсатилган талабларга мос бўлмаган маҳсулот ва топширилмаган ишлар ҳисобга олинади ва тугалланмаган ишлаб чиқариш сифатида ҳисоботда кўрсатилади. Тайёр маҳсулот бухгалтерия балансида амалдаги таннарх бўйича ҳисобга олинади.

Тайёр маҳсулот қолдиғининг кўпайишига тарлича сабаблар сифатида ишлаб чиқариш ҳажмлари ортиши, сифатида ёмонлашганлиги ёки маркетинг хизмати етарлича олиб борилмаганлиги туфайли сотилмаган маҳсулот ўсишини кўрсатиш мумкин. Сўнгиси молиявий ресурслар четга жалб қилиниши, бюджетга қўшимча бадаллар тўланиши ҳамда корхона молиявий ҳолати ёмонлашишига олиб келади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 31 декабрдаги 554-сонли қарорига мувофиқ, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси, «Сотилмаган маҳсулотнинг меъёрдан ортиқча қолдиқлари учун ҳақни ҳисоблаш ва бюджетга тулаш тартиби тўғрисидаги» Йўриқномасини ишлаб чиқди. Унда белгиланган меъёрдан сотилмаган тайёр маҳсулот қолдиғига эга саноат корхоналари мазкур ҳақни туловчилар деб тан олинган. Меъёрлар корхона қайси идорага тегишлилигидан келиб чиқиб, сотиш кунлари белгиланади ва юқорида кўрсатилган йуриқноманинг иловасида келтиради. Тулов ставкаси меъёрдан ортиқча қолдиқлар ишлаб чиқариш таннархининг 2% миқдорда белгиланган. Бу таннарх қуйидаги формула бўйича топилади:⁴

$$СТМК=СТМКМ - (СКО*МК)$$

СТМК- меъёрдан ортиқ сотилмаган тайёр маҳсулот қолдиқлари таннари.

⁴ Абдукаримов Б. А. ва бошқалар Корхона иқтисодиёти. Дарслик .-Т.: Фан, 2005.

СТМКМ – ҳисобот давридаги сотилмаган маҳсулот қолдиқларининг ҳисоб-китоб қилинган таннархи:

СКО – маҳсулотни сотиш бўйича кунлик оборот.

МК – сотилмаган тайёр маҳсулот қолдиқларининг кунларда белгиланган меъёри.

СТМКМ сотилмаган тайёр маҳсулотнинг баланс бўйича амалдаги қолдиқларини 12 га бўлиш ва ҳисобот давридаги ойлар миқдориغا кўпайтириш йўли билан аниқланади.

СКО - ҳисобот (молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 50-сатр) бўйича ҳисобот даврида сотилган маҳсулот хажмини ҳисобот давридаги кунлар миқдориغا бўлиш йўли билан аниқланади. Сотилмаган маҳсулотнинг меъёрдаги суммаси маҳсулотни сотиш бўйича кундалик оборотни сотилмаган маҳсулот қолдиқларининг кунларда белгиланган меъёрига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида махсус сотиш учун харид қилинган буюмлар, материаллар, озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек саноат корхоналарида бутлаш учун харид қилинган, лекин ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига киритилмайдиган ва харидорларга алоҳида қайтариладиган товарлар миқдори зарурат миқдорида бўлиб, белгиланган меъёрдан ошмаслиги керак.

Барча турдаги товар-моддий захираларни баҳолаш энг кам таннарх ёки соф сотиш қиймати бўйича амалга оширилади. Товар-моддий захиралар таннархи уларни харид қилиш, маҳсулот ишлаб чиқариш, қўшимча ишлаб чиқариш ва бошқа харажатларни ўз ичига олади.

Товар-моддий захираларни харид қилиш харажатлари уларни(счёт-фактура суммасидан харид қилиш чегирмалари айрилади), олиб киришда олинадиган божхона божи ва бошқа солиқлар, фрахт қиймати, сотиб олиш билан боғлиқ бошқа харажатлардан таркиб топади.

Корхона раҳбарлари, шунингдек товар-моддий захиралар таркибига кирмайдиган нарсаларни ҳам билиши шарт. Инвентаризацияни ўтказиш

пайтида компания эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган объектлар аниқланиши мумкин. Бу мижоз буюртмаси бўйича ясалган ва у хакини тўлаган, унга тегишли бўлмаган ва етказилишни кутиб турган товарлар ва консегнациядаги, яъни мазкур корхона омборида турган, лекин бошқа корхоналар мулки ҳисобланган товарлардир. Товар-моддий захиралар таннархига давр харажатлари гуруҳига киритилган чиқимлар кирмайди.

Товар-моддий захираларнинг айланишини ўзгаришини корхона молиявий ҳолатига таъсирини чуқурроқ таҳлил этиш учун товар моддий-захираларни алоҳида элементларини айланишига корхонанинг алоҳида бўлимларининг цехлар, омбор хужалиги, маркетинг бўлимининг фаолияти таъсир кўрсатади. Товар-моддий захираларнинг алоҳида элементларини таҳлил қилиш, келгусида моддий захираларнинг айланишини тезлаштиришга бағишланган тавсияларни аниқлаштиришда корхона бўлимларининг фаолиятини яхшилаш катта аҳамиятга эга.

Товар-моддий захираларнинг айланиб туриши, мураккаб кўп қиррали жараён бўлиб, унга ташқи ва ички, объектив ва субъектив омиллар ишлаб чиқариш, ташкилий, иқтисодий шарт-шароитлар таъсир кўрсатади. Умумий омил ва шарт-шароитлар сифатида қуйидагилар ҳисобланади:

- Корхонанинг аниқ тармоққа алоқадорлиги;
- Ишлаб чиқариш циклининг муҳлати;
- Корхонада ишлаб чиқаришнинг ҳажми;
- Истеъмолчиларни жойлашиш жуғрофияси;
- Карзларни тулашага лаёқатлилиги;
- Банклар билан алоқалар даражаси;
- Маркетинг хизмати даражаси;
- Ишлаб чиқаришни ташкил этиш даражаси.

Шундай қилиб товар моддий захираларни айланиб туришини таҳлил қилиш — молиявий таҳлилнинг асосий босқичларидан бири бўлиб, у ҳамма вақт корхона мутахассислари эътибор марказида бўлиши лозим.

1.2 Моддий ресурсларни таҳлил қилишнинг объектив зарурияти.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик фаолияти таҳлилининг роли кескин ошди, чунки бошқаришда олдинги маъмурий-буйруқбозлик тизимидан воз кечилиб янги эркин иқтисодий механизмлар орқали бошқариш тизими шаклланди. Олдин таҳлил асосан режа кўрсаткичларини асослашга, унинг бажарилишини таъминлашга қаратилган эди. Эндиликда эса ҳар бир хўжалик субъекти, мулк шаклидан қатъий назар, ўз фаолиятини юқоридан берилган-кўргазмани буйруқни бажаришга қаратилмасдан, балки мустақил равишда ўзининг иқтисодий қудратини такомиллаштириш мақсадида эркин бошқаришга қаратади. Бу ўз навбатида таҳлилнинг ролини янада оширади. Корхоналарни таҳлил қилиш орқали ҳар бир субъектда мавжуд бўлган ички ва ташқи имкониятлар аниқланади, уларни амалиётга сафарбар қилиш чора тадбирлари ишлаб чиқилади.

Таҳлил қилишнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги асосий вазифалари:

1. Корхонанинг бизнес режасини тузиш учун тегишли ахборотлар билан таъминлаш;
2. Бизнес режанинг бажарилиши корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаши, унинг иқтисодий қудратини яхшилаши, ҳар бир хўжалик субъектининг рақобатбардошлигини ошириш учун мавжуд ички ва ташқи имкониятларини ўрганиш;
3. Ҳар бир йўналишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, уларнинг таъсирини ҳисоблаш ва шу омилларни иш самарадорлигини оширишга сафарбар қилиш;
4. Хўжаликда мавжуд меҳнат, моддий ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш;
5. Корхонани бошқаришни энг қулай ва нафли усулларини ишлаб чиқиш, тегишли ахборотлар манбаини етказиб бериш кабилардан иборатдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, таҳлилнинг вазифаси ушбу бандларда келтирилган вазифалар билан чекланмайди. Корхона фаолияти шу даражада серқирраки, таҳлил жараёнида унинг ҳамма жihatларини ўрганиш лозим.

Таҳлил жараёнида барча камчиликлар аниқланади. Бошқарув қарорларини қабул қилишда эса аниқланган камчиликларга келгусида йўл қўймаслик чора тадбирлари ишлаб чиқилади. Шу тариқа камчиликлар бартараф қилиниб, хўжалик фаолиятининг узлуксиз равишда такомиллашуви ва самарадорлиги ошиб бориши таъминланади.

Эркин бозор муносабатларининг шаклланиши, ривожланиши даврида корхона ва ташкилотларнинг молиявий ҳолатига эътиборнинг кучайишига қуйидаги вазиятлар таъсир кўрсатади:

1. Марказлаштирилган режали иқтисодиёт даврида корхоналар фаолиятнинг натижалари, авваламбор ишлаб чиқариш дастўрининг бажарилиши, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳажми билан ифодаланган бўлса, эркин бозор муносабатлари даврида корхоналар фаолияти молиявий натижалар (молиявий кўрсаткичлар) – фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари билан ифодаланади. Бу ўз навбатида бозор муносабатлари даврида корхоналар фаолиятининг молиявий ҳолатига эътибор ошаётганлигидан далолатдир.

2. Ҳар қандай жамиятда корхоналар фаолиятини ташкил этишда хўжалик юритиш усулларида фойдаланилади. Шундай усуллардан бири хўжалик ҳисоби усулидир. Хўжалик ҳисоби усули собиқ иттифок даврида шаклланди ва мамлакатимизда кенг фойдаланилди. Чунки уша даврда корхона ва ташкилотлар фаолияти хўжалик ҳисоби тамоиллари асосида ташкил қилинган эди.

Бироқ бу даврда кўпгина корхона ва ташкилотлар фаолиятида хўжалик ҳисоби формал равишда фойдаланилган эди. Айрим корхоналар давлат бюджетига ҳеч қандай фойда келтирмас эди, яъни доимо зарар билан ишлаб, давлатдан ҳамма вақт дотация ва субсидия олиб, ҳаёт кечиради. Бу корхона ва ташкилотлар хўжалик ҳисобининг асосий тамоили – ўз-ўзини

молиялаштириш тамойилларини амалга оширмаганлар. Чунки бу ҳолат маъмурий буйруқбозлик ва расмиятчилик тизимининг асосий хусусиятларидан бири эди.

Эркин бозор муносабатларига ўтиш билан молиявий натижа асосий кўрсаткичга айланди эди. Корхоналар фаолияти энди юзаки эмас, ҳаққоний хўжалик ҳисоби амалга оширилиши лозим. Демак, корхоналар фаолиятида молиявий натижаларининг тутган ўрни ошиб боради, бозор иқтисодиёти хўжалик ҳисоби усулини инкор этмай, уни қабул қилади ва ҳаққоний хўжалик ҳисобини амалга оширади.

3. Маълумки, марказлаштирилган режали иқтисодиёт маъмурий буйруқбозлик ва расмиятчилик даврида корхоналарнинг маблағларга бўлган эҳтиёжлари асосан давлат бюджети томонидан молиялаштириш йўли билан копланар эди. Эркин бозор муносабатлари даврида эса корхона ва ташкилотларнинг қушимча маблағларга бўлган эҳтиёжлари кредитлаштириш орқали қондирилади. Бунинг учун корхоналар ўз фаолиятини самарали ташкил қилишлари, олинган кредитларни ўз вақтида қайтариб бериш қобилиятига, яъни керакли даражада молиявий имкониятларга эга бўлишлари керак.

4. Марказлаштирилган режалаштириш тизимида бутун корхона ва ташкилотлар давлатники бўлганлиги ҳамда унинг қармоғидалиги учун доимо давлат раҳнамолигидан фойдаланганлар давлат уларга ҳамма вақт молиявий ёрдам бериб турган.

Бозор муносабатлари даврида эса давлат томонидан ёрдам камайиб боради. Корхона ва ташкилотлар кенг иқтисодий мустақилликга эга бўлиб, ўз фаолиятига ўзлари жавоб беради. Шунинг учун корхона ва ташкилотлар ўзларининг керакли молиявий кўрсаткичларига эга бўлишлари керак.

5. Бозор муносабатларига ўтиш муносабати билан корхоналараро рақобат тизими шаклланди. Корхоналар банкротликка учрамаслик учун бозор муносабатларининг талабларига жавоб бера бориб, ўз фаолиятини яхши молиявий ҳолатда ушлаб туришлари лозим.

Шундай қилиб республикада бозор иқтисодиётининг шаклланиши муносабати билан корхоналарнинг молиявий ҳолатига, уни таҳлил қилиш энг долзарб масалаларига, шунингдек молиявий таҳлил қилиш услубини урганиш, узлаштириб олиш корхоналарнинг энг асосий вазифаларидан бирига айланади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш бир томондан корхоналарнинг мустақил фаолияти учун катта имконият яратиб берса, иккинчи томондан уларнинг масъулиятини янада оширади. Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий эркинлиги ходимлар масъулиятининг ошганлиги ҳам фаолиятни чуқур таҳлил қилишни тақазо қилади.

Режали иқтисодиёт шароитида иқтисодий таҳлилни ташкил қилиш тизими яратилган бўлиб, асосан режанинг бажарилиши ва унга таъсир килувчи омилларни давлат нуктаи назаридан кўриб чиқилади. Эндиликда эса таҳлилнинг мазмуни шакли ва утказиш усуллари ўзгарди. Хозир таҳлил энг аввало мулкдор томонидан ўтказилаб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Бу ерда меҳнат жамоаси ва давлат манфаатларининг уйғунлиги таъминланиши лозим. Шу нуктаи назардан таҳлилни янги талабга мос ҳолда шакллантириш муҳим аҳамият касб этмокда.

Иқтисодий таҳлилда корхона раҳбари ёки бошқарувчиси ишлаб чиқаришни батафсил ўрганиши лозим. Бунинг учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш зарур бўлади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни бозор механизмининг тақомиллашиши, ислохотларнинг тобора чуқурлаб бориши ҳар бир иқтисодий жараённи чуқур таҳлил қилишни тақазо қилмокда. Чунки мулкдор иқтисодий жараёнда асосий субъект сифатида иштирок этади. У ўз мулкининг кўпайишидан, кўпроқ фойда олишдан манфаатдор. Бунга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Бунинг учун тадбиркорлик ва ақл билан иш кўриш лозим.

Мулкдор ўз мулкини ишлатиш учун ўз корхонасига эга бўлиши мақсадга мувофиқ. Бунинг учун қўшимча мутахассислар, ходимлар ёллашга

тўғри келади. Шу асосда меҳнат жамоасини ташкил қилади. Корхонанинг яхши, самарали ишлаши учун меҳнат жамоасининг фаровонлигини таъминлаш керак. Корхона канча кўп даромад қилса, меҳнат жамоаси аъзолари шунча кўп меҳнат ҳақи олишади. Бу эса меҳнат жамоаси ўз корхонасини мунтазам таҳлил қилиб боришини тақозо қилади. Ҳар бир корхонанинг хўжалик фаолияти натижасидан давлат ҳам манфаатдор. Чунки ҳар бир корхона ўз мулкидан, айланма маблағи ва олган фойдасидан солиқ тўлайди. Шу туфайли давлат номидан солиқ идоралари корхоналар фаолиятини чуқур таҳлил этиб боришдан манфаатдор.

Корхонанинг иқтисодий ҳолати бу:

- комплекс равишдаги тушунча бўлиб, у ўз ичига кенг кўрсаткичлар тизимини олади, улар корхоналарнинг молиявий ресурслари борлигини, ҳолатини, жойлашганлигини ва улардан фойдаланиш даражасини ифодалайди;

- корхоналар фаолиятидаги бутун ишлаб чиқариш ва хўжалик омилларининг ҳаракати, уларнинг ўзаро алоқадорлиги натижасидир;

- корхоналарнинг мутадил ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва бошқа фаолияти учун зарур бўлган молиявий ресурслар билан таъминланганлиги ва улардан самарали фойдаланиш ифодасидир;

- корхоналарнинг бошқа хўжалик субъектлари, органлари ва ташкилотлари билан ўзаро алоқаларини ҳақиқий акс эттиришдир.

Корхоналарнинг ички ва ташқи омиллар таъсири остида шаклланган молиявий ҳолатига, уларнинг истиқболини аниқлаш билан бирга бу корхона билан бирга алоқада бўлган бошқа субъектлар ва шу жумладан уларнинг молиявий ҳолатини таҳлили асосини бир бутун комплекс иқтисодий корхоналарнинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатади.

Корхоналарнинг моддий ресурслари ҳолатини таҳлил қилиш – бу кенг кўрсаткичлар ёрдамида, комплекс усуллардан фойдаланиб корхоналарнинг мавжуд ресурслари бирлигини, ҳолатини, жойлашганлиги ва улардан фойдаланиш даражасини ифодалашдир.

Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир корхона мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш лозим. Шунинг учун ҳам корхоналар моддий ресурслари ҳолатини ва улардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш лозим.

Корхоналарда товар моддий захираларни таҳлил қилишнинг асосий вазифалари қуйидагилар.

1. корхонанинг асосий воситаларини айланма маблағлар умумий ҳажмини аниқлаш ва унга баҳо бериш.
2. моддий ресурсларнинг таркибини ўрганиш.
3. моддий ресурсларнинг ҳолати ва ҳаракатини таҳлил қилиш.
4. Моддий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш.

2 - боб. “Самарқанд Пахтасаноат” ОАЖнинг моддий ресурслари таҳлили

2.1. “Самарқанд Пахтасаноат” ОАЖ нинг ташкилий-иқтисодий тавсифи

Мамлакатимиздатурли мулкчиликка асосланган иқтисодиёт шаклланмоқда. Мулк ижтимоий меҳнатнинг маҳсули ҳисобланади. Улар қандай жамиятда ишлаб чиқариш муносабатларининг асосини ташкил этади ва уларнинг хусусиятларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53- моддасида: “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодиётнинг негизини ... мулк ташкил этади”⁵, дейилган.

Юртимизда мулкчилик муносабатларинг ҳуқуқий базалари яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги қонуннинг кириш қисмида: “Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг самарали амал қилишига ва халқ фаровонлигининг ўсишига имконият яратувчи ҳар қандай шаклдаги мулкчилик бўлишига рухсат берилади”⁶, деб таъкидланган.

Маълумки, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш муносабати билан турли мулк кўринишидаги корхоналарнинг ташкил топишига замин яратди. Шундай корхоналар жумласига “Самарқанд Пахтасаноат” ОАЖ киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика пахта тозалаш саноатини монополиядан чиқариш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2001 йил 11 июнь ПФ 2874-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг “Республика пахта тозалаш саноатини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2001 йил 12 июнь 252-сонли қарори асосида Ўзбекистон пахта саноати уюшмаси

⁵Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. – Т.: Ўзбекистон, 2008, 11 бет.

⁶Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги қонуни, 1990 йил 31 октябрь.

тизимида “Пахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашмаси тузилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар негизида Устав тузилган.

“Самарқандпахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашмаси Самарқанд шаҳар М.Улуғбек кўчаси 50 уйда жойлашган.

“Самарқандпахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашмаси унинг таркибига кирувчи корхоналар билан биргаликда пахта тозалаш саноати тармоғининг асосий бўғини деб ҳисобланиб пахта хом ашёни сотиб олиш уни қайта ишлаш, ишлаб чиқарилган пахта толани экспортга ва ички истеъмолчиларга белгиланган тартибда сотиш, етказилган пахта хом ашё ва ундан ишлаб чиқарилган пахта маҳсулотлар учун етиштирувчи қишлоқ хўжаликларини, дунё пахта бозорида юқори эҳтиёжда бўлган селекцион пахта навлари уруғлари таъминлашга жавобгар.

Устав фондининг дастлабки миқдори Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасининг 2001 йил 19 сентябр 390-д сонли буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18 ноябрдаги 2008 йил №ПФ-4053 фармони асосида ва ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг 2009 йил 25 апрелдаги №5-сонли баённомаси ва Давлат Мулк қўмитасининг 2009 йил 5 июндаги № 31-Пр1 сонли буйруғи асосида белгиланади. Устав фондининг миқдори 326941 дона акцияга бўлиб 591 763 210 минг сўмни ташкил этади. Шу жумладан;

- давлат улуши 51%, яъни 166740 дона акцияга бўлинган бўлинган ёки 301 799 400 минг сўмни;
- эркин савдо улуши 49 %, яъни 160201 дона акцияга бўлинган бўлинган ёки 289 963 810 минг сўмни ташкил этган.

**“Самарқандпахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашмаси устав
фондининг таркиби**

Кўрсаткичлар номи	Суммаси, сўм	Улуши %
давлат улуши	301 799 400	51
эркин савдо улуши	289 963 810	49
Жами	591 763 210	100,0

Манба: Самарқанд вилоят “Пахтасаноат” уюшмаси “Бухгалтерия баланси – 1-сонли шакл” маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди

Ҳозирда мамлакатни модернизациялаш шароитида корхоналарнинг ялпи даромади ва фойдасини таҳлил этишдан асосий мақсад, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолати, унинг даромад, фойда ва зарарлари таркибидаги структуравий ўзгаришлар тўғрисида аниқ ва ишончли маълумотларга эга бўлишдан иборат.

Таҳлил этувчини асосан корхонанинг жорий йилдаги молиявий ҳолати, яқин йилларга мўлжалланган режаси ҳамда узоқ муддатларга мўлжалланган корхонанинг молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлари кўпроқ қизиқтиради.

Даромад ва фойдани таҳлили учун маълумотлар 2-шакл “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”да акс этади. Ўтган йил ва ҳисобот йилларига тегишли барча даромад ва фойда бу молиявий ҳисобот шаклида ифодаланган.

2-шакл маълумотлари асосида динамика тарзида даромад ва фойда таркиби, структураси, уларнинг ўтган йилларга нисбатан ўзгариши ҳамда даромадлардан ва фойдадан самарали фойдаланиш йўналиши таҳлил этилади.

Корхоналар даромадлари ва фойдаси миқдорий таҳлилида унинг сўнгги йиллардаги динамикасини ўрганиб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Бу корхоналарда хўжалик фаолияти ривожланишининг тенденциясини аниқлашга ёрдам беради. Даромадлар ва фойда динамикасини таҳлил қилишда қуйидаги кўрсаткичларни аниқлаш лозим:

- даромадлар ва фойданинг ўсиш суръатлари (базис ва занжирли);
- даромадлар ва фойданинг қанчага ошганлиги;
- даромадлар ва фойданинг абсолют ўсиши;
- даромадлар ва фойдани ўсишнинг ўртача йиллик суръати.

2.1.2-жадвал.

“Самарқанд Пахтасаноат” ОАЖ ялпи даромадининг таркиби ва тузилиши таҳлили (минг сўм)

№	Кўрсаткичлар	2010 Йил	2011 Йил	Фарқи (+;-)	Ўзгариш суръати (%)
Мутлоқ кўрсаткичлар					
1	Маҳсулот (иш, хизмат) ларни сотишдан келган тушум	1692093	2349407	657314	138,8
2	Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан олинган даромадлар	157626	1150331	992705	729,8ёки 7,3 марта
3	Молиявий фаолиятнинг даромадлари	348045	978511	630466	281,1ёки 2,8 марта
4	Фавқулодда даромадлар	-	-	-	-
5	Жами даромадлар (1қ+2қ+3қ+4қ)	2197764	4478249	2280485	203,8 ёки 2,0 марта
Нисбий кўрсаткичлар					
6	Маҳсулот (иш, хизмат) ларни сотишдан келган тушумнинг ялпи даромаддаги улуши (1қ*100/5қ)	77,0	52,5	-24,5	68,1
7	Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан олинган даромадларнинг ялпи даромаддаги улуши (2қ*100/5қ)	7,2	25,7	18,5	358,2ёки 3,6 марта
8	Молиявий фаолиятдан олинган даромадларнинг ялпи даромаддаги улуши (3қ*100/5қ)	15,8	21,8	6,0	138,0
9	Жами даромадлар	100.0	100.0	-	-

Манба: “Самарқанд Пахтасаноат” ОАЖ “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот – 2 - сонли шакл ” маълумотлари асосида ҳисобланди.

Абсолют ўсиш ўтган йилдаги ва базис давридагисини миқдор билан таққослаш орқали топилади. У даромад ва фойданинг у ёкибудаврдагиўзгаргансуммасибиланбелгиланади. Даромадлар ва фойдадагиўзгаришлар тенденциясини аниқлаш учун унинг ўсиш суръатлари ўтган ва базис давридаги ўсиш суръатлари билан, шунингдек, йиллик ўртача ўсиш суръати билан таққослаб чиқилади. Бу кўрсаткичларнинг ҳаммаси муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда бизлар таҳлилни **“Самарқанд Пахтасаноат” ОАЖ** ялпи даромадларининг таркиби ва тузилишини таҳлилидан бошладик ва 2.1.2-жадвални туздик

Келтирилган 2.1.2-жадвал маълумотлари асосидаги хулосалар шуни кўрсатадики, корхонада жами даромад манбалари 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 2280485 минг сўм (4478249-2197764)га кўпайган. Корхонада жами даромадлар суммасининг бундай кўпайиб кетиши ижобий ҳолатдир.

Даромадлар таркибидаги маҳсулот (иш, хизмат) ларни сотишдан келган тушум кўрсаткичи корхонада юқори улушга эга эканлигини кузатиш мумкин. Яъни 2010 йилда маҳсулот (иш, хизмат) ларни сотишдан келган тушум 1692093 минг сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилда 2349407 минг сўмни ташкил этган. Яъни жами даромадларда маҳсулот (иш, хизмат) ларни сотишдан келган тушумнинг улуши 2010 йилда 77,0 % ни, 2011 йилда 52,5 % ни ташкил этган. Бу маълумотлардан кўришиб турибдики корхонада маҳсулот (иш, хизмат) ларни сотиш жараёни яхши йўлга қуйилган.

Даромадлар таркибидаги молиявий фаолиятдан олинган даромадлар корхонада 2011 йилда энг юқори кўрсаткичга эга бўлиб 978511 минг сўмни ташкил этган бўлса 2010 йилда 348045 минг сўмни ташкил этган. Бундан кўришиб турибдики 2010 йилда энг паст кўрсаткич кузатилган.

Бизнинг таҳлилда асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан кўрилган даромаднинг жами корхона даромадидаги ҳиссаси ҳам анча юқори бўлиб, 2011 йилда 1150331 минг сўмни, 2010 йилда эса 157626 минг сўмга етган

бўлиб, 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 992705 минг сўмга кўпдир. Умуман олганда асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан кўрилган даромадлар таркибига қуйидаги даромадлар киради:

- қарздорлардан ундирилган жарима ва пенялар;
- асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа мол-мулкларни сотишдан олинган дивидендлар;
- даъво муддати ўтган кредиторлик ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромад;
- молиявий ёрдам ва бошқа даромадлар.

Умуман олганда, корхонада 2010 йилга нисбатан 2011 йилда ялпи даромади 2280485 минг сўм (4478249-2197764) га ёки 2 мартага ошган. Бу кўрсаткич ижобий ҳисобланади.

Хўжалик субъектлари фаолиятини баҳолаш тизимида фойда муҳим ўрин тутди. Маҳсулот(иш,хизмат)ларни сотиш, ишлаб чиқариш, инвестиция, молиявий ва ташқи иқтисодий фаолият натижалари фойдада ўз аксини топади. Фойда корхона хўжалик фаолиятини кенгайтириш, бюджетнинг даромад қисмини тўлдириш, корхонада ишловчиларнинг моддий жихатдан рағбатлантиришнинг асосий манбаи ҳисобланади.

“Маҳсулот (иш, хизмат) лар ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби тўғрисида” ги Низомга мувофиқ фойданинг қуйидаги шакллари мавжуддир.

1. Маҳсулот (иш, хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси.
2. Асосий фаолиятнинг фойдаси.
3. Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси.
4. Даромад (фойда) солиқни тўлагунга қадар фойда.
5. Ҳисобот даврининг соф фойдаси.

Фойда мулк шаклидан қатъий назар барча корхоналар фаолиятини баҳолаш кўрсаткичи ва рағбатлантириш манбаидир.

Шу туфайли фаолиятни объектив баҳолаш учун фойда таркиби, тузилиши, уни ташкил этувчи элементларни динамик тарзда чуқур ўрганмоқ

лозим. Фойда нафақат маҳсулот бирлиги учун қилинган харажатларни қисқартириш, балки маҳсулот сотиш ҳажмини белгиланган ассортиментда ортиши, талаб ва эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда юқори рентабелликка эга маҳсулот турларини кўпроқ ишлаб чиқариш ва сотишга эришишга ҳам боғлиқ. Шу боис корхона фаолиятининг барча томонларини ифодаловчи кўрсаткичлар билан узвий боғланган ҳолда фойданинг таҳлил этилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик ва 2.1.3-жадвални туздик

Келтирилган 2.1.3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, “Самарқанд Пахтасаноат” ОАЖ 2011 йилни 1233142 минг сўмлик фойда билан якунлаган. Бу ҳозирги кунда жуда ҳам юқори кўрсаткич. 2010 йилга нисбатан корхонанинг фойда кўрсаткичлари қуйидагича ўзгарган, яъни маҳсулот (иш, хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси 2010 йилга нисбатан - 657314 минг сўм (2349407-1692093) га, асосий фаолиятнинг фойдаси 128111 минг сўм (511317-383206) га, умумхўжалик фаолиятининг фойдаси 717527 минг сўм (1334653-617126) га ва асосий кўрсаткич ҳисобот даврининг соф фойдаси ҳам 686658 минг сўм (1233142-546484) га кўпайган.

**“Самарқанд Пахтасаноат” ОАЖ фойдасининг шаклланиши
таҳлили, минг сўм**

№	Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	Фарқи (+;-)	Ўзгариш суръати (%)
1	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан кўрилган даромад	1692093	2349407	657314	138,8
2	Сотилган (товар, иш ва хизмат)ларни таннари	-	-	-	-
3	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан кўрилган ялпи фойда(1қ-2қ)	1692093	2349407	657314	138,8
4	Давр харажатлари	1466513	2988421	1521908	203,8
5	Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромадлар	157626	1150331	992705	729,8
6	Асосий фаолиятнинг фойдаси (3қ-4қ+5қ)	383206	511317	128111	133,4
7	Молиявий фаолият бўйича даромад	348045	978511	630466	281,1
8	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	114125	155175	41050	136,0
9	Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (6қ+7қ-8қ)	617126	1334653	717527	216,3
10	Фавқулодда фойда	-	-	-	-
11	Фавқулодда зарар	-	-	-	-
12	Даромад (фойда) солиғи тўлагунга қадар фойда (9қ+10қ-10қ)	617126	1334653	717527	216,3
13	Даромад солиғи	53387	79370	25983	148,7
14	Фойдадан солиқ ва бошқа ажратмалар	17255	22141	4886	128,3
15	Соф фойда (12қ-13қ-14қ)	546484	1233142	686658	225,7

Манба: “Самарқанд Пахтасаноат” ОАЖ “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот – 2 - сонли шакл ” маълумотлари асосида ҳисобланди

Корхона 2011 йилда фойданинг барча шакллари бўйича 2010 йилга нисбатан кўпайишга эришган. Жумладан соф йода кўрсаткичининг ўзи 2010

йилга нисбатан 2011 йилда 686658 минг сўмга ёки 2,2 мартага ошган. Ҳозирги шароитда корхонада фойда суммасининг бундай ўсиш кўрсаткичга эришганлиги албатта қувонарли ҳолатдир. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсири давом этаётган ҳозирги шароитда корхоналарнинг асосий мақсади ва барча ҳаракатлари максимал даражада фойдага эришиш ҳисобланади. Шундай экан бизлар таҳлилнинг кейинги босқичида **“Самарқанд Пахтасаноат” ОАЖ** соф фойдаси динамикасини таҳлил қилишни лозим топдик. (2.1.4-жадвал)

2.1.4-жадвал

“Самарқанд Пахтасаноат” ОАЖ соф фойдасининг ўзгариш динамикаси таҳлили

Йиллар	Ялпи даромади, минг сўм	Абсолют ўсиши, минг сўм		Ўзгариш суръати, %	
		Ўтган йилга нисбатан	2008 йилга нисбатан	Ўтган йилга нисбатан	2008 йилга нисбатан
2008	529919	-	-	-	100,0
2009	536172	6253	6253	101,2	101,2
2010	546484	10312	16565	101,9	103,1
2011	1233142	686658	703223	225,7	232,7

Манба: **“Самарқанд Пахтасаноат” ОАЖ** “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот – 2 - сонли шакл ” маълумотлари асосида ҳисобланди

Келтирилган жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики корхонанинг соф фойдаси 2008 йилдан 2011 йиллар мобайнида бир маромда фақат ўсиш тенденциясига эга. Ўсиш тенденцияси айниқса 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 2,2 баробар ортиши кузатилган. Албатта, бозор муносабатлари шароитида корхоналарнинг мақсади ва барча ҳаракатлари максимал даражада фойдага эришиш ҳисобланади. Ушбу вазиятда мулкдорларни соф фойданинг миқдори энг кўп қизиқтиради. Зеро, мулкдорларнинг манфаати айнан соф фойданинг улар ўртасида тақсимланиши орқали юзага чиқади. Шуларни инобатга олсак, **“Самарқанд Пахтасаноат” ОАЖ** эришган натижаларини ижобий баҳолаш мумкин.

2.2. **“Самарқанд Пахтасаноат” ОАЖ асосий воситалари ҳолатини ифодаловчи**

кўрсаткичлари таҳлили

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналарда мавжуд ресурсларидан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан барча хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг моддий ресурсларидан самарали фойдаланишлари давр талаби ҳисобланади. Корхоналар моддий ресурслардан қай даражада самарали фойдаланишаётганлиги тўғрисида маълумотга эга бўлиш учун, корхонада моддий ресурсларни доимо таҳлил қилиб боришлари лозим.

Корхоналарнинг моддий ресурслари ҳолатини таҳлил қилиш – бу кенг кўрсаткичлар ёрдамида, комплекс усуллардан фойдаланиб корхоналарнинг мавжуд ресурслари бирлигини, ҳолатини, жойлашганлиги ва улардан фойдаланиш даражасини ифодалашдир.

Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир корхона мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш лозим. Шунинг учун ҳам корхоналар моддий ресурслари ҳолатини ва улардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш лозим.

Корхоналарда асосий воситаларни ва товар моддий захираларни таҳлил қилишнинг асосий вазифалари қуйидагилар.

5. корхонанинг асосий воситаларини ва товар моддий захиралар умумий ҳажмини аниқлаш ва унга баҳо бериш.
6. моддий ресурсларнинг таркибини ўрганиш.
7. моддий ресурсларнинг ҳолати ва ҳаракатини таҳлил қилиш.
8. моддий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш.

Шуларни инобатга олган ҳолда бизлар моддий ресурслар таҳлилини корхона моддий ресурслари таркибига кирувчи асосий воситалар таҳлилидан бошлашни лозим топдик.

Корхоналар фаолиятини ривожланиш тенденцияларини, асосий фондларини иқтисодий самарадорлигини ўлчаш ва баҳолаш учун иқтисодиётга тааллуқли фанларда ва иқтисодчилар ўртасида кўрсаткичлар

тизимидан фойдаланиш зарурлиги тўғрисида инкор қилинмайдиган, ягона фикр мавжуд. Лекин кўп ҳолларда асосий фондлар билан боғлиқ барча кўрсаткичлар, уларнинг самарадорлиги кўрсаткичлари деб ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, асосий фондларнинг кўрсаткичларини қуйидаги гуруҳларга бўлиши мақсадга мувофиқроқ бўлади:

- асосий фондларнинг ҳолатини англатувчи кўрсаткичлар;
- савдо корхоналари асосий фондлар билан таъминланганлигини билдирувчи кўрсаткичлар;
- асосий фондлар таркибидаги ўзгаришларни англатувчи кўрсаткичлар;
- асосий фондларни динамикаси ва ривожланиш тенденциялари кўрсаткичлари;
- асосий фондларни ишлатилишининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари.

Асосий воситалар иқтисодий тузилишини ва ҳолатини ифодалаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. (2.2.1-жадвал)

2.2.1-жадвал

Асосий воситалар (Ав.) ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар

Кўрсаткичларнинг номи	Нимани ифодалаши (мазмуни)	Аниқланиш формуласи
1.Асосий воситаларнинг умумий маблағлардаги ҳиссаси	Асосий воситаларнинг умумий маблағларда неча фоиз ташкил қилишини кўрсатади	A_B/B
2.Асосий воситалар фаол қисмининг (Авф) таркибий тузилиши	Асосий воситалар фаол қисмининг умумий асосий воситалар суммасида неча фоиз ташкил қилишини ифодалайди	$A_{Bф}/ A_B$
3.Асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти	Умумий асосий воситалар қийматининг қанча қисми эскириш суммасига тенглигини кўрсатади	$A_{B.эс}/A_{B.йб}$
4.Асосий воситаларнинг янгиланиш коэффициенти	Шу ҳисобот даврида янгидан ишга туширилган асосий воситалар қисмининг умумий йил охиридаги асосий воситалардаги ҳиссасини ифодалайди	$A_{B.янг}/A_{B.йо.}$
5.Асосий воситаларнинг яроқлилиқ коэффициенти	Умумий асосий воситалар қийматининг қанча қисми қолдиқ қийматда эканлигини ифодалайди	$(A_B-A_{B.эс.})/A_B$
6.Асосий воситаларнинг чиқарилиш коэффициенти	Асосий воситаларнинг қанча қисми ҳисобдан чиқарилганлигини ифодалайди	$A_{B.чиқ.}/A_B$

Юқорида келтирилган кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда бизлар таҳлилни корхона асосий фондлари ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилишни лозим топдик. Бу мақсадга эришиш учун бизлар 2.2.2-жадвални тузишни лозим топдик.

2.2.2-жадвал

Самарқанд вилоят “Пахтасаноат” уюшмаси асосий воситалари ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларнинг таҳлили

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар номи	2010 йил	2011 йил	Фарқи (+;-)	Ўзгариш суръати, %
Ҳажм кўрсаткичлари					
1	Барча активлар қиймати	271762801	447655528	175892727	164,7
2	Асосий воситалар қиймати	909067	911734	2667	100,3
3	Асосий воситаларнинг эскириш қиймати	281065	417279	136214	148,5
4	Қолдиқ (2қ – 3қ)	628002	494455	-133547	78,7
Нисбий кўрсаткичлар					
5	Асосий воситаларнинг барча активлардаги улуши (4қ : 1қ * 100)	0,23	0,11	-0,12	47,80
6	Асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти (3қ : 2қ)	0,31	0,46	0,15	148,03

Манба: Самарқанд вилоят “Пахтасаноат” уюшмаси “Бухгалтерия баланси – 1-сонли шакл” маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди

Берилган жадвал маълумотларидан қуйидаги хулосаларга келинди:

- корхонада асосий воситаларнинг қиймати 2010 йилда 909067 минг сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилда 911734 минг сўм бўлган. Бундан кўриниб турибдики, 2010 йилга нисбатан 2011 йилда асосий воситалар қиймати 2667 минг сўмга ошган.

- корхонанинг барча активлари ўсиш тенденциясига эга. Жумладан, барча активларнинг қиймати 2010 йилда 271762801 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2011 бу кўрсаткич 447655528 минг сўмга етган. Бундан кўриниб турибдики, барча активлар суммаси 2010 йилга нисбатан 2011 йилда 175892727 минг сўм $(447655528 - 271762801)$ га ёки 64.7% $((447655528 * 100 : 271762801) - 100)$ га кўпайган.

-асосий воситаларнинг қиймати 2011 йилда ортган бўлсада, асосий воситаларнинг умумий активлардаги улуши камайиш тенденциясига эга. Жумладан, бу кўрсаткич 2010 йилда 0,23 % ни ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб асосий воситаларнинг умумий активлардаги улуши 0,11 % ни ҳосил қилган. Бунга асосий сабаб қилиб, корхонада барча активлар суммасининг кўпайганлигини ва корхона фақат олдиндан мавжуд, эски асбоб-ускуналардан, бино ва иншоотлардан фойдаланаётганлигини келтириш мумкин

Умуман олганда корхонада асосий воситаларнинг камайиши қуйидаги салбий ҳолатларга олиб келиши мумкин: корхона мулкнинг камайиши; моддий ресурсларнинг камайиши; ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг камайиши; меҳнат унумдорлигининг пасайиши; рақобат курашида енгилиши; корхонанинг касодга учраши ва х.к.

Самарқанд вилоят “Пахтасаноат” уюшмаси асосий воситаларнинг камайишини олдини олиш юзасидан тезкор чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш лозим. Зеро ҳозирги эркин рақобат шароитида корхонанинг асосий воситалари ҳолатини яхшилаш ва самарадорлигини ошириш замон талаби ҳисобланади.

Мамлакатни модернизациялаш, реал сектор корхоналарини техник-технологик қайта қурулантириш, диверсификация қилиш ва бозор муносабатлари шароитида корхонанинг асосий воситалар билан қай даражада таъминланганлиги муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ҳам бизлар корхонанинг асосий воситалар билан таъминланганлигини таҳлил қилишни лозим топдик. Чунки корхонада фаолиятларини ривожлантириш ва

кенгайтириш учун асосий воситалар билан етарли даражада таъминланган бўлишлари зарур.

Асосий воситалар билан таъминланганлик кўрсаткичларини таҳлил қилганда, корхона ходимларининг асосий воситалар билан таъминланганлиги катта аҳамият касб этади. Чунки ишчилар қанчалик замонавий меҳнат куроллари билан яхши ва тўлиқ таъминланган бўлса, меҳнат унумдорлиги ошишига олиб келади. Таҳлилни амалга оширишда асосий воситалар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимидан фойдаландик. Бу кўрсаткичларга қуйидагилар киради (2.2.3-жадвал)

2.2.3-жадвал

Асосий воситалар (Ав.) билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар

Кўрсаткичларнинг номи	Нимани ифодалаши (мазмун)	Аниқланиш формуласи
1. Фондлар билан куролланганлик даражаси	Битта ходимга тўғри келадиган фаол Ав. қийматини ифодалайди	Ав.ф./Ис
2.Натижанинг фондлилиқ даражаси(Фонд сифими)	1 сўм натижа кўрсаткичига қанча Ав. суммаси тўғри келишини кўрсатади	Ав./Q
3. Ўз маблағларининг (Ум.) Ав. билан таъминланганлиги	1 сўм ўз маблағларига қанча Ав. суммаси тўғри келишини ёки ўз маблағларининг капиталлашганлик даражасини ифодалайди	Ав/Ўм

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланган ҳолда бизлар, корхонанинг асосий воситалар билан таъминланганлигини таҳлил қилиш мақсадида 2.2.4-жадвални тузишни лозим топдик.

2.2.4-жадвал

Самарқанд вилоят “Пахтасаноат” уюшмаси асосий воситалар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичларнинг таҳлили

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар номи	2010 йил	2011 йил	Фарқи (+;-)	Ўзгариш суръати, %
Ҳажм кўрсаткичлари					
1	Асосий воситалар қиймати	909067	911734	2667	100,3
2	Сотилган маҳсулот ҳажми	1692093	2349407	657314	138,8
3	Ўз маблағлари қиймати	3541215	78126378	74585163	2206,2 ёки 22 марта
4	Ходимлар сони, киши	46	46	0	100,0
Нисбий кўрсаткичлар					
5	Асосий воситаларнинг сотилган маҳсулотдаги сиғими (1қ : 2қ)	0,537	0,388	-0,149	72,2
6	Ходимларнинг асосий воситалар билан қуролланганлик даражаси, сўм (1қ : 4қ)	19762,326	19820,304	57,978	100,3
7	Ўз маблағларининг асосий воситалар билан таъминланганлиги, сўм (1қ : 3қ)	0,257	0,012	-0,245	4,5

Манба: Самарқанд вилоят “Пахтасаноат” уюшмаси “Бухгалтерия баланси – 1-сонли шакл ” ва “ Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот – 2-сонли шакл ” маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди

Келтирилган 2.2.4-жадвал маълумотлари бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

-Маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми 2010 йилга нисбатан 2011 йилда 657314 минг сўм (2349407-1692093) га ёки 38.8 % га кўпайган.

- корхонанинг ўз маблағлари 2010 йилга нисбатан 2011 йилда 74585163 минг сўмга кўпайган бўлиб, ўзгариш суръати 2010 йилга нисбатан 2011

йилда 22 мартага ошган. Ўз маблағларининг асосий воситалар билан таъминланганлиги 2010 йилда 39 тийинга тенг бўлган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 25,7 тийинга тенг бўлган. Бу эса 2011 йилда нисбатан 2010 йилга нисбатан 24.5 тийинга камайганлигидан далолат беради. Бу кўрсаткич ўз маблағларининг бир сўмига қанча асосий воситалар тўғри келишини билдиради. Бу кўрсаткич 1 дан кам бўлса яхши. Агар 1 дан кўп бўлса корхона банкрот бўлади. Бизнинг ҳолатда бу кўрсаткич ижобий ҳисобланади.

- Ходимларнинг асосий воситалар билан қуролланганлик даражаси 2010 йилга нисбатан 2011 йилда 57,978 минг сўмга кўпайган. Корхонада ходимларнинг асосий воситалар билан қуролланганлик даражаси 2010 йилга нисбатан 2011 йилда сезиларсиз ошган. Шу сабабли корхонада ходимларнинг асосий воситалар билан қуролланганлик даражаси 2010 йилда ҳар бир ходимга 19762,326 минг сўмлик асосий восита тўғри келган. Бу кўрсаткич 2011 йилда ҳар бир ходимга 19820,304 минг сўмни ташкил этган.

Умуман олганда корхонанинг асосий воситалар таъминланганлик даражасини 2010 йилга нисбатан 2011 йилда ижобий баҳолаша бўлади.

Бозор муносабатлари шароитида корхоналарнинг асосий воситалари билан етарли даражада таъминланганлигини ўрганиш билан бир қаторда, уларнинг самарадорлик кўрсаткичларини ўрганиш асосий ўринда туради. Чунки, асосий воситалар билан етарли даражада таъминланган бўлса-ю, лекин улардан самарали фойдаланмасак, у ҳолда корхонанинг самарадорлиги пасайиб кетади.

Асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари корхона хўжалик фаолиятига баҳо беришнинг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида олинади.

Асосий воситалардан (Ав) фойдаланиш самарадорлиги даражасидан умуман ишлаб чиқариш самарадорлиги келиб чиқади. Асосий воситалардан қанчалик кўп фойдаланса, шунчалик кўп маҳсулот чиқарилади, унинг таннархи арзонлашади, меҳнат самарадорлиги, фойда ва рентабеллик юқори бўлади.

Асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларга: Ав маҳсулдорлиги, Ав даромадлилиги, Ав рентабеллиги киради (2.2.5-жадвал).

2.2.5-жадвал

Асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар

Кўрсаткичларнинг номи	Нимани ифодалаши (мазмун)	Аниқланиш формуласи
1. Ав. рентабеллиги	Ав.лар ўртача қийматиغا нисбатан соф фойданинг улушини ифодайди.	$СФ*100 / Ав_{ўр}$
2. Ав. даромадлилиги	Ав. ўртача қийматиغا неча фоиз даромад тўғри келишини кўрсатади	$Д*100/Ав$
3. Ав. натижавийлиги (фонд қайтими)	1 сўм Ав. ўртача қийматиغا қанча миқдорда натижа-вий кўрсаткичнинг (сотилган маҳсулот, товар маҳсулоти, товар обороти ва ҳ.к.) тўғри келишини ифодайди	$Q/Ав_{ўр}$

1. Ав. рентабеллиги асосий воситаларнинг 1 сўмига тўғри келадиган фойда суммасини ифодайди. У соф фойданинг асосий воситалар ўртача йиллик қийматиغا нисбати билан қуйидагича аниқланади:

$$Раф = СФ*100 / Ав_{ўр},$$

бунда:

Раф – асосий воситалар рентабеллиги;

СФ – соф фойда.

2. Асосий воситалар даромадлилиги

$$Ав.д = Д*100/Ав$$

3. Асосий воситалар натижавийлиги(фонд қайтими). Асосий воситалар маҳсулдорлиги таҳлил қилинаётган даврда (одатда, бир йилда) ишлаб

чиқарилган (сотилган) маҳсулотнинг $Ав$ ўртача йиллик қийматига нисбати шаклида қуйидаги формула орқали топилади:

$$А_{вм} = Q / Ав_{\text{ўр}},$$

бунда:

$А_{вм}$ – асосий воситалар маҳсулдорлиги;

Q – таҳлил қилинган даврда ишлаб чиқарилган (сотилган) маҳсулот ҳажми;

$Ав_{\text{ўр}}$ – асосий воситалар ўртача йиллик қиймати.

Бозор муносабатлари шароитида сотилган маҳсулот ҳажми хўжалик фаолиятини тўла ҳажмда акс эттиради. Фойда ва рентабеллик каби корхонанинг молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам ушбу кўрсаткичларга бевосита боғлиқдир. Шунинг учун $Ав$ маҳсулдорлигини ишлаб чиқарилган маҳсулот бўйича эмас сотилган маҳсулот ҳажми бўйича аниқлаш тўғри бўлади. Бунинг учун қуйидаги формула тавсия этилади:

$$А_{вм} = C / Ав_{\text{ўр}},$$

бунда:

C – сотилган маҳсулот ҳажми.

Асосий фондларнинг самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш учун бизлар 2.1.3-жадвални тузишни лозим топдик. Чунки асосий воситалар самарадорлиги таҳлил қилиш ҳозирги модернизация шароитида қўшимча маблағ сарфламасдан кўпроқ маҳсулот чиқаришга, пировард натижада эса фойданинг кўпайишига олиб келади. Демак асосий фондлар ҳар бир сўмга қанча маҳсулот чиқарганлик кўрсаткичи муҳим кўрсаткичлардан биридир.

2.3.1-жадвал

**Самарқанд вилоят “Пахтасаноат” уюшмаси асосий воситалар
самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг таҳлили
(минг сўм)**

№	Кўрсаткичлар номи	2010 йил	2011 йил	Фарқи (+;-)	Ўзгариш суръати, %
Ҳажм кўрсаткичлари					
1	Соф фойда	546484	1233142	686658	225,7
2	Сотилган маҳсулот ҳажми	1692093	2349407	657314	138,8
3	Ялпи даромад	2197764	4478249	2280485	203,8
4	Асосий воситалар қиймати	909067	911734	2667	100,3
Нисбий кўрсаткичлар					
5	Асосий воситаларнинг рентабеллиги, % (1қ *100 : 4қ)	60,1	135,3	75,1	225,0
6	Асосий воситаларнинг маҳсулдорлиги, сўм (2қ : 4қ)	1,9	2,6	0,7	138,4
7	Асосий воситаларнинг даромадлиги, % (3қ *100 : 4қ)	241,8	491,2	249,4	203,2

Манба: Самарқанд вилоят “Пахтасаноат” уюшмаси “Бухгалтерия баланси – 1-сонли шакл” ва “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот –2- сонли шакл ” маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди

Келтирилган 2.1.3-жадвал маълумотларидан қуйидаги хулосаларга келинди: корхонада соф фойданинг 2010 йилга нисбатан 2011 йилда 686658 минг (1233142-546484) сўмга купайиши натижасида асосий воситаларнинг рентабеллиги 2010 йилдаги 60.1 % дан 2011 йилда 135,3 % га купайди, яъни 2010 йилга нисбатан 2011 йилда асосий воситаларнинг рентабеллиги 75,1 пунктга купайди. Ўсиш суръати эса 2,2 мартага ошган.

- асосий воситаларнинг маҳсулдорлиги (қайтими), яъни асосий воситалар 1 сўмига қанча маҳсулот сотишдан тушган тушум тўғри келишини аниқлаш қўйидаги натижаларга олиб келди. 2010 йилда асосий воситалар қайтими 1,9 сўмни (1692093: 909067) ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилда 2,6 сўмни ташкил этган. Бундан кўриниб турибдики, корхонада асосий фондлар қайтими 2010 йилга нисбатан 2011 йилда 0,7 сўм (0.45-0.73) га ёки 38.4 % кўпайганлиги ижобий ҳолатдир.

- корхонада асосий воситаларнинг даромадлилиги 2010 йилда 241,8 % ни 2011 йилда эса 491,2 % ни ташкил этган бўлиб, 2010 йилга нисбатан 2011 йилда 249,4 пунктга кўпайган.

Умуман олганда Самарқанд вилоят “Пахтасаноат” уюшмаси асосий воситалари самарадорлиги кўрсаткичларининг асосий воситалар қайтими, даромадлилиги ва энг асосий самарадорлик кўрсаткичи ҳисобланган асосий воситалар рентабеллилиги кўрсаткичлари 2010 йилга нисбатан 2011 йилда юқори ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги туфайли корхонанинг асосий воситалар самарадорлиги кўрсаткичларини 2010 йилга нисбатан 2011 йилда ижобий баҳолаш мумкин.

2.3. “Самарқанд Пахтасаноат” ОАЖ товар моддий захиралари ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлари таҳлили

Товар моддий захираларини таҳлил қилаётганда товар моддий захираларига қўйилган маблағлар ҳолати таъминланганлиги ва улардан фойдаланиш самарадорлигини акс эттирадиган кўрсаткичларни аниқлаш ва ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бироқ бунинг учун биринчи навбатда уларнинг кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилишни билиш талаб этади. Товар моддий захиралар ҳолатини аниқлайдиган кўрсаткичларга:

- товар моддий захиралар суммаси, умуман ва турлари бўйича;
- товар моддий захиралар тузилиши;
- товар моддий захиралардан фойдаланиш кунлар;

- товар моддий захираларининг айланма маблағлар умумий суммасидаги улуши;
- алоҳидаги турлари товар моддий захиралар ўсиши суръатининг ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми ўсишига таққослаш каби омиллар киради.

Товар моддий захиралар суммаси асосида улар миқдори ва муайян даврдаги ўзгариши аниқланади. Улар муайян турларининг ўсиши ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмлари ўзгаришига таққосланади. Шунингдек товар моддий захираларидаги маблағлар ҳолати таъминланганлиги ва фойдаланиш самарадорлиги топилади.

Товар моддий захиралар тузилиши. Ҳар бир турнинг улар умумий суммасидаги улушини ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланади ва уларни пул маблағларига айлантириш йўллари топилади. Маблағларнинг катта улуши ишлаб чиқариш захиралари ёки тугалланмаган маҳсулотда бўлса, корхона маблағлари фақат маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш тугаганидан кейингина қайтарилади. Тайёр маҳсулот улушининг ўсиши ҳам раҳбариятни ташвишлантириши лозим. Чунки бу корхона маҳсулотига талаб камлигидан далолат бериши мумкин. Товар моддий захиралар тузилишини аниқлаш ва таҳлил қилиш усулини аниқ маълумотларни қўллаган ҳолда 2.3.1-жадвалда кўриб чиқамиз.

Мазкур жадвал маълумотлари товар-моддий захиралар тузилишида ўзгаришлар рўй бермаганлигини кўрсатмоқда. Товар-моддий захиралар таркиби фақат ишлаб чиқариш захираларидан иборат бўлиб, 2010 йилда Ишлаб чиқариш захиралари суммаси 11247 минг сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилда 350350 минг сўмни ташкил этган. Бундан кўриниб турибдики корхона товар-моддий захиралари 2010 йилга нисбатан 2011 йилда 339103 минг сўмга ошган. Бу эса салбий ҳолатдир.

2.3.1-жадвал

Самарқанд вилоят “Пахтасаноат” уюшмаси товар моддий захиралар таркибини аниқлаш ҳисоб китоби

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар номи	2010 йил	Улуши, %	2011 йил	Улуши, %	Фарқи (+;-)	Ўзгариш суръати, %
1	Ишлаб чиқариш заҳиралари	11247	100.0	350350	100.0	339103	3115,1 ёки 31,15 марта
2	Тугалланмаган ишлаб чиқариш	-	-	-	-		
3	Тайёр маҳсулот	-	-	-	-		
4	Сотиш учун товарлар	-	-	-	-		
	Жами товар- моддий заҳиралар	11247	100.0	350350	100.0	339103	3115,1 ёки 31,15 марта

Манба: Самарканд вилоят “Пахтасаноат” уюшмаси “Бухгалтерия баланси – 1-сонли шакл” маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди

Чунки ишлаб чиқариш заҳиралари кўпайса, бу меъёрдан ортиқча заҳиралар пайдо бўлишидан далолат беради. Бу маблағлар айланиши қисқараётганлиги ва ишлаб чиқариш ҳаражатлари кўпаётганлигидан далолат беради. Буларнинг сабабини аниқлаб, ишлаб чиқариш заҳираларини меъёрга келтиришга қаратилган тегишли бошқарув қарорлари қабул қилиниши лозим.

Товар-моддий заҳиралар билан таъминланганлик даражаси уларнинг кунлардаги суммасини белгиланган меъёрлар билан таққослаш йўли орқали аниқланади.

Товар-моддий заҳиралардаги маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги улар айланиши, рентабеллиги ва маблағлар айланиши тезлашиши (секинлашиши) оқибатида озод бўлган (қўшимча жалб қилинган) маблағлар суммаси бўйича топилади.

Товар-моддий заҳиралардаги маблағлар айланиши кунлар ва неча марталигига кўра ҳисоб-китоб қилинади. Айланиш кунларидаги товар заҳиралари маблағнинг бир марта айланиши учун кетган кун миқдорини акс эттиради. Товар заҳиралари маблағининг ўртача йиллик суммасини сотилган маҳсулотнинг бир кунлик қийматига бўлиш йўли билан топилади.

Товар захираларининг айланиш коэффициентини мартада аниқлаш учун ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини (стилган маҳсулотни) товарлар қолдиғининг ўртача суммасига бўлинади. Бу кўрсаткич товар захираларига қўйилган маблағлар айланиши миқдорини кўрсатади.

Товар захираларининг кунлардаги айланиш тезлиги қанча паст ва коэффициентини қанча юқори бўлса, товар захираларига қўйилган маблағлар шунча тез бўлади ва аксинча.

Товар-моддий захиралардаги маблағлар рентабеллиги ($P_{\text{ТМЗ}}$) соф фойдани (СФ) товар-моддий захиралар ўртача суммаси ($\text{ТМЗ}_{\text{ўрт}}$)га бўлиш йўли билан аниқланади. Товар-моддий захиралардаги маблағларнинг айланиш тезлашиши (секинлашиши) оқибатида қўшимча жалб қилинган маблағлар суммасини топиш зарур захираларидаги маблағдан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашнинг муҳим жиҳатларидан биридир (2.3.2-жадвал).

Бажарилган ҳисоб китоблар асосида товар захираларидаги маблағлар айланиши 2010 йилда $(9247 \cdot 365 : 1692093) = 2,0$ кунни ташкил этган бўлса, 2011 йилда $(180798,5 \cdot 365 : 2349407) = 28,0$ кунни ташкил этганлигини кўрамиз. Бошқача айтганда, ҳисобот йилида у 26 кунга секинлашган. Бу албатта салбий ҳолатдир. Чунки товар захираларидаги маблағлар қанча тез айланса шунча яхши натижаларга олиб келади.

Корхона раҳбарлари товар-моддий захиралар айланишини тезлаштириш учун барча чораларни кўриши лозим. Бу ўз навбатида, умуман айланма маблағлар ҳаракатини тезлаштиради ва бошқа хўжалик эҳтиёжларига йўналтирилиши мумкин бўлган маблағларни тежаб қолади.

2.3.2-жадвал

**Товар-моддий захираларнинг самарадорлигини ифодаловчи
кўрсаткичлари таҳлили**

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	Фарқи (+;-)
Товар-моддий заҳираларнинг ўртача йиллик суммаси	9247	180798.5	171551.5
Маҳсулот сотишдан келган тушум	1692093	2349407	657314
Товар-моддий заҳиралардаги маблағлар айланиши, кун ҳисобида	2.0	28.0	26.0
Маҳсулот сотишдан кундалик тушум	4635.87	6439.73	1803.86

Манба: Самарқанд вилоят “Пахтасаноат” уюшмаси “Бухгалтерия баланси – 1-сонли шакл” маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди

Товар-моддий заҳиралардаги маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида :

- маҳсулот сотиш ҳажмини кўпайтириш;
- чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш ва турларини кўпайтириш;
- товар-моддий заҳиралар тузилишини мақбуллаштириш;
- меъёридан ортиқча ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулот заҳираларини, шунингдек, тугалланмаган ишлаб чиқаришҳажмларини камайитириш;
- чиқарилаётган маҳсулот талаби ва таклифини ўрганишни яхшилаш;
- товар-моддий заҳираларни қабул қилиш. Сақлаш ва етказишни тўғри ташкил этиш лозим.

Товар-моддий заҳиралар билан боғлиқ санаб ўтилган вазифаларни ҳал этиш корхона иши самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатиши муқаррардир.

III-БОБ. “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналарда моддий ресурслар самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари”

3.1. “Самарқанд Пахтасаноат” ОАЖ моддий ресурслар таҳлилида қўлланиладиган кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш

Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни, бозор муносабатларининг такомиллашиши, ислохотларнинг тобора чуқурлашиб бориши ҳар бир иқтисодий кўрсаткични чуқур таҳлил қилишни тақозо қилмоқда. Чунки мулкдор иқтисодий жараёнда асосий субъект сифатида иштирок этади. У ўз мулкининг кўпайишидан, кўпроқ даромад ва фойда олишидан манфаатдор. Бунга ўз-ўзидан эришиб қолмайди. Бунинг учун тадбиркор изчиллик, зийраклик ва ақл билан иш кўриши лозим. Бу эса ўз навбатида мулкининг ҳолатини, ишлатилиши ва сақланишини ҳамда ундан самарали фойдаланишни доимий равишда таҳлил қилиб боришни тақозо қилади.

Бугунги кунда корхоналар учун фаолият турлари ва кўлами чегараланмаган. Тадбиркорлар ўз маблағларини бир вақтнинг ўзида фойда келтирадиган бир нечта соҳаларга сарфламоқдалар. Бундай кенг кўламли ва серқирра фаолиятлар билан шуғулланиш улар хўжалик фаолияти таҳлилинини ҳам марақкаблантиради. Бундай шароитда барча тадбиркорлар ҳам ўз фаолиятларини тўлиқ баҳолаш қобилиятига эга бўлмайдилар. Ўз навбатида бундай мураккаб вазифани таҳлилчилар ўз зиммаларига оладилар.

Иқтисодий таҳлил корхоналар фаолиятини ривожлантиришнинг зарурий шартига айланиб бормоқда. Шу муносабат билан сўнгги йилларда республикаимиз олимлари томонидан корхоналар хўжалик фаолиятининг натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларини таҳлил қилиш борасида катта изланишлар олиб борилди.

Корхоналарнинг хўжалик фаолияти кўрсаткичлари таҳлилинини ўтказишда молиявий ҳисоботлар муҳим маълумот манбаи бўлиб хизмат қилади.

Корхоналарда ҳисоб жараёнининг охирги босқичи бўлган молиявий ҳисоботни тузиш мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2003 йил 24 январда 1209-тартиб рақам билан рўйхатга олинган «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича Қоидалар» га мувофиқ амалга оширилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, хўжалик фаолиятини ифодаловчи барча кўрсаткичлар корхонанинг молиявий ҳисоботларидан олинади. Аммо, молиявий ҳисоботларни тузишда хатоликларга йўл қўйилган бўлиши ҳам мумкин. Хато тузилган молиявий ҳисобот маълумотлари асосида ўтказилган таҳлил ҳам хато хулосаларга олиб келади. Шу сабабли, моддий ресурслар кўрсаткичлари таҳлилини ўтказишдан олдин молиявий ҳисоботларнинг тўғрилигини текшириб чиқиш лозим. Бунинг учун қуйидаги тадбирларни амалга оширишни тавсия қиламиз:

1. Бухгалтерия баланси кўрсаткичларини бош китоб кўрсаткичларидаги рақамлар билан солиштириш. Улар бир-бирига мос равишда тўғри келиши лозим.

2. Бухгалтерия балансидаги ҳар бир бўлимнинг моддаларидаги суммаси шу бўлим жами суммасига ва актив қисмининг пассив қисмига тўғри келиши аниқланади.

3. Бухгалтерия балансининг молиявий ҳисобот таркибига кирувчи бошқа ҳисобот шакллари маълумотлари билан тўғри келиши текширилади.

4. Бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботнинг Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган «Молиявий ҳисобот шакллари тузиш ва тақдим этиш Қоидалари»га тўғри келиши кўриб чиқилади.

5. Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботда акс эттирилган фойда кўрсаткичларининг тўғри ҳисоб-китоб қилинганлигини арифметик жиҳатдан текшириш;

6. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилган даромад ва фойда кўрсаткичларининг бош китобдан тўғри ўтказилганлигини текшириш.

Раҳбар молиявий ҳисоботни тасдиқлашда шу қўйилган талабларнинг ҳаммасини ёки муайян қисмини текшириб кўриши ва ишонч ҳосил қилгандан сўнг, унга имзо чекиши лозим.

Корхонада моддий ресурслар таҳлили натижаларининг сифати таҳлилчининг малакаси ва маҳоратига ҳам боғлиқ бўлади. Таҳлилчи корхонанинг умумий иқтисодий муаммоларини яхши билиш билан бирга, бухгалтерия баланси ва бошқа молиявий ҳисоботларни ўқий олиши, улар ўртасидаги боғлиқликларни ҳам билиши лозим.

Диссертация ишининг иккинчи бобида **“Самарқанд Пахтасаноат” ОАЖ**нинг хўжалик фаолияти кўрсаткичлари таҳлили маълумотлари ва амалиёт даври шуни кўрсатадики **“Самарқанд Пахтасаноат” ОАЖ** хўжалик фаолияти таҳлилини такомиллаштириш яхши йўлга қўйилмаган. Бозор муносабатлари шароитида корхоналар хўжалик фаолиятининг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлиб корхонанинг моддий ресурсларини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам корхоналар хўжалик фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлган моддий ресурслари таҳлилини такомиллаштириш ҳозирги давр талаби ҳисобланади. **“Самарқанд Пахтасаноат” ОАЖ** нинг ҳозирги шароитда хўжалик фаолиятининг муҳим кўрсаткичларидан бири товар ҳажмидир. Корхона учун аниқ фойда фақат товарни (иш, хизматларни) сотилгандан кейин ҳосил бўлади. Корхона фаолиятининг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлиб сотилган товар ҳажми бўлганлиги туфайли унинг фаолиятига таъсир қилувчи асосий омиллар бўлиб хўжалик фаолиятини таъминловчи моддий, молиявий ва меҳнат ресурслари ҳисобланади. Бу ҳолат эса **“Самарқанд Пахтасаноат” ОАЖ** хўжалик фаолиятини таҳлилини такомиллаштиришни яна бир бор муҳимлигини кўрсатади. Хўжалик фаолияти таҳлилига жуда кўп омиллар таъсир қилади. Иқтисодий таҳлилнинг энг муҳим жиҳати таъсир қилувчи

омилларни ҳисоблаш йўллари аниқлаб таҳлил қилаётган кўрсаткич тўғрисида аниқ хулосага келиш ва уни яхшилаш барча амалий тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун хўжалик фаолияти таҳлиliga таъсир қилувчи омилларни иқтисодий жиҳатдан гуруҳлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Зеро ушбу омилларни ҳисоблаш учун бухгалтерия ва статистик ҳисоби ва ҳисоботларида аниқ маълумотлар келтирилган.

“Самарқанд Пахтасаноат” ОАЖда иқтисодий ишнинг ташкил этилганлик даражасини ўрганиш натижасида қуйидаги ҳолатларни аниқладик. Корхонада моддий ресурсларнинг шаклланиши, ишлатилиши етарлича эмас. Бу эса турли йилларда хўжалик фаолияти таҳлили натижасини турлича бўлишига сабаб бўлмоқда.

“Самарқанд Пахтасаноат” ОАЖ да битта иқтисодчи фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг асосий вазифаси жараёнларини таҳлил қилиб келажакда кўрсаткичларни прогноз қилишга қаратилган бўлиши керак. Аммо, ушбу иқтисодчи фақатгина олдиндан ишлаб келаятган жадваллар асосида умумхўжалик фаолияти кўрсаткичларини таҳлил қилмоқда. Алоҳида олинган ресурслар, улардан фойдаланиш рентабеллиги эса ўрганилмасдан қолмоқда. Таҳлил қилинаётган кўрсаткичларнинг даврий, оралиқ ҳамда қисқача корхонада кўрсаткичлар одатда бир йилда таҳлил қилинмоқда. Режаларнинг бажарилиши назорати ҳам жуда паст даражада.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки корхона моддий ресурсларни ифодаловчи кўрсаткичлари жуда кўп бўлишига қарамай корхонада бу кўрсаткичларни ўрганиш, улар асосида қарорлар қабул қилиш етарли даражада деб бўлмайди.

Юқоридаги муаммолар **“Самарқанд Пахтасаноат” ОАЖ**да моддий ресурслар таҳлилини такомиллаштириш ва иқтисодий ишнинг самарадорлигини ошириш учун қуйидаги тадбирларни ошириш мақсадга мувофиқдир:

- корхонада ахборотлар билан ишлашни тўғри йўлга қўйиш. Ахборотларни бирламчи ва иккиламчи ахборотларга ажратган ҳолда тўлиқ таҳлил қилиш.
- таҳлил учун ажратилган маълумотларни бир неча йиллигини таҳлил қилиш.
- хўжалик фаолияти таҳлили барча кўрсаткичларни таҳлили қилиш жараёнини қамраб олишини таҳлил этиш.
- Таҳлил бир ёки икки йиллик маълумотлар эмас балки бир неча йиллик беш йиллик маълумотларни олган ҳолда амалга оширилади.
- Моддий ресурслар ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш.
- Иқтисодий таҳлилнинг қайта ҳисоблаш, занжирли алмаштириш, интеграл, иқтисодий математик, корреляция ва регрессия усулларида кенг фойдаланиш.

Бизнингча ушбу тадбирларни амалга ошириш корхонада моддий ресурслар каби муҳим кўрсаткичларни таҳлил қилишни такомиллаштиришга хизмат қилади ва пировард натижада корхона хўжалик фаолияти ривожланишига олиб келади.

3.2. “Самарканд Пахтасаноат” ОАЖ молиявий барқарорлигини ошириш ва моддий ресурсларидан самарали фойдаланишнинг асосий йўллари

Бозор иқтисодиёти барча хўжалик юритувчи субъектлардан ўзларининг молиявий барқарорлигини доимо мустаҳкамлаб боришни талаб қилади. Чунки, корхонанинг кучли рақобатчилик шароитига бардошли бўлиши кўп жиҳатдан уларнинг молиявий ҳолатига боғлиқ.

Корхонанинг молиявий барқарорлиги деганда уларнинг фаолиятини молиявий жиҳатидан узлуксиз бир маромда таъминлаб туришни тушунмоқ лозим. Молиявий жиҳатдан таъминланиш фақатгина моддий ресурслар билан таъминланиш эмас, балки унинг жуда кўп қирралари, томонлари мавжуд.

Чунки хўжалик фаолиятининг узлуксиз содир бўлиб туриши учун биргина моддий ресурслар етарли эмас. Бу ресурсларнинг таъминланиши учун бошқа молиявий, меҳнат каби бир канча ресурсларнинг ҳам етарли миқдорда бўлиши лозим.

Корхона молиявий барқарорлигини таъминлаш жуда кўп омилларга боғлиқ.

Ҳозирги шароитда, таъкидлаганимиздек, корхоналарнинг жуда кўп харажатлари асосий фондлардан фойдаланганлик эвазига сарф қилинмоқда. Шу туфайли асосий воситаларни шакллантиришда унинг ҳиссасида фаол қисмни кўпайтириш ва жисмоний меҳнатни енгиллаштирувчи ускуналарни сотиб олиш мақсадга мувофиқдир. Агар корхонанинг фаол асосий воситалари кўп бўлса, у фақат корхона зарарини камайтирибгина қолмасдан, балки фойда олишни ҳам таъминлаш мумкин. Шу туфайли молиявий барқарорликни баҳолаганда асосий воситалар билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Ишлаб чиқариш технологияси тез ўзгараётган, фан – техника тараққиёти жадаллашаётган пайтда асосий воситаларни жуда тез янгилашни тақозо қилади. Бу эса унинг амортизацияси меъёрини кўпайтиришни талаб қилади. Шундай экан, асосий воситаларнинг ҳам янгиланиши, илғор технологияни узлуксиз равишда жорий қилишни таъминлаш чора – тадбирларини ҳам ишлаб чиқиш лозим.

Молиявий барқарорликни таъминлашнинг асосий йўлларида бири корхона дебитор қарзларининг кўпаймаслик чорасини кўришдир. Ҳозирги пайтда жуда кўп фирмалар ва корхоналар молиявий жиҳатдан барқарор эмас. Бундай ноишоним субъектлар билан иқтисодий муносабатда бўлиш жуда эҳтиёткорликни талаб қилади. Бундай корхоналарга товар бериш, пул ўтказиш ҳаракатдаги маблағни ўлик маблағга айлантириш билан баробар. Шу туфайли бундай хўжалик операцияларни содир қилишдан олдин ҳамкор субъектлар молия – хўжалик фаолиятини ҳам чуқур ўрганишни талаб қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида, айниқса ҳозирги ўтиш даврида корхонанинг молиявий қарам бўлиб қолишига йўл қўймаслик лозим. Бу ҳолат эркин рақобат шароитида янада муҳимдир. Шу туфайли корхона раҳбарлари корхонани молиявий қарамликдан сақлаш орқали унинг барқарорлигини таъминлаш чора – тадбирларини кўриш мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда, фикримизча, қуйидаги чора – тадбирларни корхоналар, хусусан Самарқанд вилоят “Пахтасаноат” уюшмаси молиявий ҳолатининг яхшиланишига олиб келади:

- мавжуд маблағларни корхона активлари ўртасида тўғри жойлаштириш;
- асосий воситалар бўш турган қисмини ижарага бериш, сотиш орқали ҳисобдан чиқариш;
- пул маблағларини мукаммал даражада сақлаган ҳолда қолганларини хўжалик фаолиятига жалб қилиш;
- дебиторлик қарзлари ҳажмини максимум даражада қисқартириш;
- ишончли миқдорлар билан доимий шартномалар асосида ишлашга эришиш.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш бу бир ёқлама ёки мавсумий иш эмас. У доим амалга оширилиши лозим бўлган кенг қамровли, кўп қиррали иқтисодий ишдир. Шу туфайли молиявий барқарорликни баҳолаш ва уни таҳлил қилиш ҳозирги мамлакатда давом этаётган модернизация ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида шароитида катта аҳамиятга эга.

Барча хўжалик юритувчи субъектлар учун мавжуд активлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш мамлакат, жамият иқтисодиёти олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ҳозирги пайтда кўпгина ресурслар чегараланган, уларнинг аксарияти мамлакатимизда бошқа давлатлардан катта ҳаражатлар ҳисобига келтирилади. Шунинг учун ҳам

мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, мавжуд маблағларни устувор соҳаларга жойлаштириш каби самарадорликни ошириш воситаларига етарли даражада эътибор бериш талаб қилинади. Бунинг учун, корхоналарнинг активлардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш, уларни таҳлил қилиш асосида чуқур ўрганиш лозим.

Моддий ресурслардан самарали фойдаланиш натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ўртача харажатлари ёки таннархлари пасаяди. Бунинг натижасида корхоналарнинг соф фойдалари ортади. Шунинг билан биргаликда моддий ресурслардан ўриндошлик билан фойдаланиш оқибатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатлари яхшиланади, хизмат қилиш муддатлари эса кўпаяди.

Шуни таъкидлаш лозимки, корхоналарда маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши, таннархнинг пасайиши, фойда ва рентабелликнинг ошиши, уларнинг белгиланган ассортиментда ва сифатли моддий ресурслар билан таъминланишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам корхоналар ўз ишлаб чиқаришини бир маромда самарали ривожланишини таъминлаш мақсадида узок муддатга мўлжалланган бизнес режаларига асосланган ҳолда моддий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини аниқлашга ва таъминлашга алоҳида эътибор берадилар. Юқорида қайд этилганидек, моддий ресурсларнинг ўз вақтида олиб келинмаслиги ёки етказиб берилмаслиги, ёки йўқлиги корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятининг тўхтаб қолишига олиб келади.

Моддий ресурслар билан ўз вақтида, зарурий миқдорларда ва белгиланган сифатда ҳамда бир маъромда таъминланиши, шу билан биргаликда, улардан оқилона фойдаланиш пировардида корхоналарнинг иқтисодий ривожланишига ва тараққий этишига ҳар томонлама таъсир этади.

Миллий иқтисодиёт таркибидаги ҳар бир корхонанинг ривожланиши, тараққий этиши ҳамда иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлиши, мустақил республикаимизнинг иқтисодиётини барқарорлашишига замин яратади.

Шунингдек, халкимиз турмуш даражасининг янада юксалишига ҳар томонлама ўз таъсирини кўрсатади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш хажмларининг ошиши, ўз навбатида моддий ресурслардан фойдаланиш кўламининг ҳам кенгайишига олиб келади. Шунинг учун моддий ресурслардан тежаб, тергаб фойдаланиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Жамият ривожланишининг ҳозирги ўтиш даврида моддий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш учун замонавий янги техникалардан унумли фойдаланиш, шунингдек, самарали технологияларни ишлаб чиқаришга тезкорлик билан татбиқ этиш талаб қилинади. Улар ёрдамида моддий ресурсларнинг шлаб чиқаришга сарф қилиниши, тежалиши таъминланади.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида моддий бойликлардан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш, хўжасизликка қарши курашиш, маҳсулот таннархида моддий харажатларнинг улушини камайтириб бориш масалалрига алоҳида эътибор берилади. Жумладан, моддий ва меҳнат ресурсларини тўғри, тежамли сарфлаш миллий иқтисодиётни янада ривожлантиришда, аҳолининг моддий фаровонлигини оширишда муҳим омилдир.

Ҳозирги пайтда корхоналар тасарруфидаги барча ресурслардан тежамли фойдаланиш жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида янада долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурида “... қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш.

... таннархни камайтириш бўйича белгиланган параметрларга эришиш учун раҳбар ва масъул ходимларни рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмини ишлаб чиқиш ...”⁷ вазифа этиб белгиланган.

Белгиланган бу вазифаларни ҳал этишда, яъни мавжуд моддий ресурслардан тежамли фойдаланиш учун, ишлаб чиқариш корхоналаридан қуйидагиларга изчиллик билан ёндошишлари талаб қилинади:

- материаллар ҳаракати билан боғлиқ ўзгаришларни ўз вақтида тегишли ҳужжатларда расмийлаштириш;
- материалларни жойлашда уларни тўғри сақланиши устидан назорат олиб бориш;
- моддий–техник таъминоти режасининг бажарилиши устидан назорат олиб бориш;
- материалларнинг ишлаб чиқаришга тўғри берилиши ва уларни сарфлаш нормасига риоя қилиш устидан назорат олиб бориш;
- маҳсулот таннархини ҳисоблашда сарфланган материалларни калькуляция объектлари ўртасида тўғри тақсимлаш;
- ички ресурсларни ишга солиш мақсадида ортиқча ва фойдаланилмаётган материалларни аниқлаш ва сотиш.

Бу вазифаларни бажаришда корхона таъминот тизимининг ҳамда омбор хўжалигининг (керакли тарозилар ва ўлчов асбоблари билан жиҳозланиши) қай даражада ташкил қилинганлиги муҳим роль ўйнайди.

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўли ортиқча ускуналар миқдорини камайтириш ва ўрнатилмаган ускуналарни ишлаб чиқаришга тезроқ жалб этиш ҳисобланади. Меҳнат воситалари катта қисмининг бекор туриши ишлаб чиқаришни ўстириш имкониятларининг қисқаришига, ускуналарнинг бекордан-бекор жисмонан эскиришига ва узоқ вақт ишламасдан сақланиш натижасида уларнинг яроқсиз аҳволга келиб қолишига сабаб бўлади. Вақт ўтиши билан яхши

⁷ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 32 бет.

сақланган ускуналар ҳам маънавий эскириши натижасида жисмонан эскирган ускуналар каторига кўшилиб қолади.

Асосий фондлардан фойдаланишнинг интенсив ўсиши вақт бирлигида ускуналарнинг иш билан таъминланганлик даражасини оширишни тақозо қилади. Ускуналарнинг интенсив иш билан таъминланганлигини ошириш учун ишлаётган машина ва механизмларни-модернизациялаш, улар ишининг оптимал режимда ишлаши ишчилар сони ва асосий фондларни кўпайтирмай туриб, маҳсулот ишлаб чиқаришни оширади ва маҳсулот бирлигига сарфланадиган моддий ресурс харажатларини камайтиради.

Асосий фондлардан фойдаланиш интенсивлигини ошириш қуйидагиларни талаб қилади: ишлаб чиқариш технологияларини ва меҳнат куроллари такомиллаштириш; меҳнатнинг илмий ташкил этишни ва бошқаришни такомиллаштириш ишчиларнинг профессионаллиги ва билимини ошириш; ишлаб чиқариш жараёнидаги нуқсонларни бартараф қириш.

Техника ривожланиши ва шу билан боғлиқ равишда жараёнларни интенсивлаштириш чегараланмаган. Шунинг учун асосий фондлардан фойдаланишни интенсив ошириш имкониятлари ҳам чегараланмаган.

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўлларида бири — унинг тузилшини такомиллаштириш ҳисобланади.

Асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлиги даражасидан корхона ишлаб чиқариши самарадорлиги келиб чиқади. Асосий воситалардан қанчалик самарали фойдаланилса шунчалик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилади меҳнат самарадорлиги, фойда ва рентабеллик юқори бўлади.

Самарқанд «Пахтасаноат» ХБАда асосий воситалардан самарали фойдаланиш учун қуйидаги ишлар амалга оширишини тафсия қиламиз.

— корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик технологик қайта жихозлашни янада жадаллаштириш, замонавий мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш.

– ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва сотилаётган маҳсулот ҳажмининг ошириш.

– ишлаб чиқаришга банд бўлган-ҳодимларнинг меҳнат унимдорлигини ошириш.

– асосий воситалар алоҳида турларидан интенсив фойдаланиш.

– корхонанинг техникавий даражасини кутариб туриши ва бошқалар.

Ишлаб чиқариш корхоналари активлари самарадорлигини ўрганишда айланма маблағлар самарадорлигини таҳлил қилиш муҳим ўрин тутди.

Корхонада айланма маблағлардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш йўллари қўйдагилардан иборат:

-маҳсулот ҳажмини кўпайтириш;

-айланма маблағлар тузилишини яхшилаш;

-айланма маблағларни белгиланган меъёрдан оширмаслик;

-дебитор ва кредитор қарзларни ўрганиш;

-харидорлар ва чиқарилаётган талабни чуқур. буюртмачилар билан ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш;

-меъёрдан ортиқча ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулот захираларини, шунингдек, тугалланмаган ишлаб чиқаришни қисқартириш;

-товар-моддий захираларини қабул қилиш, сақлаш ва етказишни тўғри йўлга қуйишқамайтириш.

Товар-моддий захиралардаги маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида :

- маҳсулот сотиш ҳажмини кўпайтириш;
- чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш ва турларини кўпайтириш;
- товар-моддий захиралар тузилишини мақбуллаштириш;
- меъёридан ортиқча ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулот захираларини, шунингдек, тугалланмаган ишлаб чиқаришҳажмларини камайтириш;

- чиқарилаётган маҳсулот талаби ва таклифини ўрганишни яхшилаш;
- товар-моддий заҳираларни қабул қилиш. Сақлаш ва етказишни тўғри ташкил этиш лозим.

Товар-моддий заҳиралар билан боғлиқ санаб ўтилган вазифаларни ҳал этиш корхона иши самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатиши муқаррардир. Шу туфайли товар-моддий заҳиралар таҳлили иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисми бўлиб қолмоғи лозим.

Айтилганларни корхона фаолиятига қўллаш фикримизча, товарлар сотилмай қолишининг олдини олиш ва натижада активлар самарадорлигининг ошишига олиб келади.

IV БОБ. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ

4.1. “Самарканд Пахтасаноат” ОАЖ меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги эргономика, метрология талаблари ва шароитлари

«Барча ислохотларнинг — иқтисодий, демократик, сиёсий ислохотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат»⁸.

Юртбошимизнинг ана шу фикрларидан келиб чиқиб, ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларда, корхона ва муассаса, ташкилот, бирлашмаларда, кўйинки инсон меҳнат фаолиятини амалга ошираётган барча жойларда, унга муносиб иш шароитларини яратиш, унинг соғлиги, ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш биринчи галдаги вазифа бўлиб ҳисобланади.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги меҳнат муҳофазасининг ҳуқуқий, қонуний асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва турли вазирликларнинг кўрсатмалари ва буйруқлари ташкил этади. Конституциянинг IX боби иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни ҳимоясига қаратилган. 36-моддада «Ҳар бир шахс қонунда кўрсатилган тартибда меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, одилона шароитларда меҳнат қилиш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир» дейилган ва унинг давомида «Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан (ҳарбий хизмат чоғида, фавқулодда ҳолат шароитида ва ҳ.к.) ташқари мажбурий меҳнат таққиланади» дейилган. Меҳнат Кодекси (1995 йил 21 декабр, №161-1), «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида Низом» (Вазирлар Маҳкамаси 1997 йил 6 июн, 286-қарор) ва турли давлат стандартлари ва кўрсатмалари асосида ҳуқуқий асоси яратилган.

⁸ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йилида. Тошкент, Ўзбекистон, 1995 й., 119-бет.

Корхоналарда ишчи ва хизматчилар ишининг хавфсизлик даражаси, шунингдек, хизмат малакаси ишчининг стажи, лавозимидан қатъий назар ишга қабул қилинганда белгиланган муддатларда техника хавфсизлиги бўйича йўриқномалар билан таништирилиб борилмоқда.

Корхонада «Электротехник мосламалар тузилиши ва улардан фойдаланиш қоидалари» (ПУЭ), «Портлашдан ҳимояланган электр ускуналарни танлаш қоидалари» (ПИБРЭ), босим остида қўлланадиган идишларнинг тузилиши ва хавфсизлиги қоидалари, ГОСТ 12.1.005-76 нинг «Иш зонаси ҳавоси», ГОСТ 12.1.007-76 га асосан захарли моддалар организмга таъсир кўрсатиш даражаси ва бошқа ҳужжатларга мувофиқ хўжалик фаолияти юритилмоқда.

Корхонада меҳнат шароити зарарли ва хавфли савдо ҳудудларида, яъни ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга белгилаган меъёрларда бошқа махсус ҳимоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқатлар қисман бўлсада таъмин этиб борилмоқда.

Корхонада умумий, табиий ва маҳаллий шамоллатиш тизимлари бўйича аниқ чора тадбирлар ишлаб чиқилиб амалга ошириб келинмоқда. Шовқинлар ГОСТ 12.1.003-76 га мувофиқ аслаҳалар сифатида вкладиш, наушниклар ва шлемлар мавжуд. ГОСТ 12.1.014-78 «Меҳнат хавфсизлиги стандартлар системаси титраш, хавфсизликнинг умумий талаблари» ва ГОСТ 12.1. 012-78 талабларидан келиб чиқиб, қисман титрашлар учун айрим стандарт (ГОСТ 17770-72 «Қўлда ишлатиладиган машиналар. Титрашнинг рухсат этиладиган даражаси».)га мувофиқ амалий ишлар бажарилиб келинмоқда.

4.2. “Самарканд Пахтасаноат” ОАЖ да электр ва ёнғин хавфсизлиги

Ҳозирги кунда инсон ҳаётини худди сув, ҳаво каби зарурий элементлари сингари электр қувватисиз тасаввур этиб бўлмайди. Аммо ундан фойдалиш чоғида тартибсизлик ва эҳтиётсизлик натижасида турли хил кўнгилсиз ҳодисалар, ёнғин, куйиш, ҳаттоки инсонни ҳаётдан кўз юмишигача олиб келадиган бахтсиз ҳодисалар содир бўлиши мумкин.

Корхонада «Электротехник мосламалар тузилиши қоидалари» (ПУЭ), «Портлашдан ҳимояланган электр ускуналарни танлаш қоидалари», электр жиҳоз ва қувватларидан фойдаланиш қоида ва йўриқномаларига амал қилиниб келинмоқда. Корхонада ёритиш талаблари ва меъёрларидан келиб чиқиб иш жойлари ва корхона ҳудуди етарли даражада ёритиш манбълари билан таъминланган.

Одамни ток уриш ҳолати ҳам тўрт даражада баҳоланади:

- I. – даражада одам хушини йўқотмайди, мускуллар қисқаради;
- II. – даражада мускуллар қисқаради, хушини йўқотади, лекин нафас олиши сақланиб, юрак ишлаб туради;
- III. – даражада нафас олиши, юрак фаолияти бузилади, хушини йўқотади;
- IV. – даражада ток уриш билан қон айланиши ва нафас олиш тўхтаб, клиник ўлим юз беради.

Ўзгарувчан ток (50 Гц да) ўзгармас токка нисбатан хавфли ҳисобланади. Хавфсиз ўзгарувчан ток кучи миқдори 10 мА, ўзгармас ток учун 50 мА қабул қилинган. Таъсир этадиган вақт эса 0,01 – 0,03 секундни ташкил этади, вақт ортиб бориши билан (0,2-1 с) юрак фаолияти ўзгаради.

Корхонада ёнғин хавфсизлиги ва уни ўчириш. Бахтсиз ҳодиса ва офатлардан бири бу ёнғин ҳисобланади. Ёнувчи модда билан ҳаводаги кислороднинг ўзаро таъсири натижасида жуда тез кечувчи ва кўп миқдорда иссиқлик ажралиб чиқувчи кимёвий реакцияга *ёниш* дейилади. Ҳаводаги кислород миқдори 15%дан юқори бўлгандагина оксидловчи вазифасини бажара олади, ундан паст концентрацияда эса ёниш содир бўлмайди.

Корхонанинг идора биноларида «Ёнғин хавфсизлиги қоидалари» ва ГОСТ 12.2.047-80 «Ўт ўчириш техникаси. Атама ва қоидалар»га амал қилинган ҳолда таъминланган. Ҳар бир ҳудудда, дўконларда ёнғин хавфсизлиги бўйича эвакуация чизмалари ва ўт ўчириш воситалари, кўпик билан тўлдирилган балончалар 50 га яқин, кум, челак, болта ва лопатка, лом кабилар билан таъмин этилган. Ушбу ўт ўчириш воситалар жамланмаси корхона бўйича 16 тани ташкил этади. Корхона ҳудудида 2 та ховуз ҳам мавжуд. Корхона раҳбари жавобгарлиги остида, бош инженер, бош энергетик, техника хавфсизлиги бўйича инженер, ҳар бир дўкон бошлиғи ва омбор мудирлари каби масъул шахслар жавобгарлиги белгилаб қўйилган.

Шу ўринда ёнғин ўчириш воситалари ва йуллари ҳақида тўхталиб ўтамиз. Карбонат агидрид газини ёнғин чиққан зонага йўналтириш натижасида у ердаги ҳавонинг таркибида кислород миқдорини камайтириш орқали ёнғин ўчирилади. Инерт газлардан азот ва аргон ёнғинни ўчиришда ишлатилади. Тутун газларда кислород миқдори ҳаводагидан бирмунча кам бўлиб, тахминан 18-19 %ни ташкил қилади. Бу газлар охиригача ёндирилса, ундаги кислород миқдорини 5-6 %гача тушириш мумкин. Ингибиторлар. Саллоидланган углеводлар ёниш реакциясига кимёвий сусайтиргич орқали таъсир кўрсатиб ёнғинни тўхтатади. Кукунли бирикмалар ёнаётган газлар, енгил алангаланувчан, ёнувчан суюқликлар, кучланиш остида бўлган электр ускуналарини ўчиришда ишлатилади. Кўпик ёнаётган юзага тушгач, уни қоплаб олиб, кислород киришидан тўсади ва ажралиб чиқаётган суюқлик ёнаётган юзани совитади.

Инсониятнинг ҳаёти ва иш жараёнида содир бўлиш эҳтимоли кўп бўлган ва катта талофат келтирадиган бахтсиз ҳодисалардан бири ёнғин ҳисобланади. Шунинг учун корхоналарда ёнғин хавфсизлиги чораларини кўриш, ёнғин содир этган ҳолларда уни ўчиришга мослашган асбобларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

Ёнғин барча корхоналар, халқ хўжалигининг барча тармоқларида юз бериб, етказадиган зарари жиҳатидан табиий офатларга тенглашиши мумкин

бўлган ҳодиса ҳисобланади. Улар катта моддий зарар келтириши билан бирга оғир бахтсиз ҳодисаларга - захарланиш, куйиш ҳамда кишилар ҳалокатига сабаб бўлиши мумкин.

Ёнғинга қарши кураш ишлари давлат миқёсида амалга оширилади. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, унинг ривожланиб, тарқалиб кетмаслиги чора-тадбирларини олдиндан кўриш, унга қарши самарали кураш олиб бориш ёнғинни ўчиришда қўлланиладиган бирламчи воситалардан тўғри фойдаланишга қаратилган.

Корхонани лойихалашда, куришда, технологик жараёни амалга оширишда эътиборга олинadиган ёнғин хавфсизлиги чора тадбирлари келажакда ёнғиннинг олдини олиш ва ундan огоҳлантиришда муҳим ҳисобланади.

Ёнғин хавфсизлиги қоида-талабларининг бузилиши, технологик жараённинг режимга тўғри келмаслиги, электротехник асбоб-ускуналарнинг носозлиги, улардан фойдаланиш қоидасининг бузилиши саноат корхоналарида ёнғин, портлаш бўлишига олиб келади.

Ёнғин содир бўлиши асосан техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши, корхона ва цех маъмурияти томонидан камчиликларга йўл қўйилиши билан боғлиқ. Корхоналарда мавжуд бўлган сабаблар, бериладиган ёки қўйиладиган компонентлар таркиби ва тезлигининг ўзгариши, аралаштирилмаслиги, ускунага бегона модда тушиб қолиши, хом-ашё таркибининг ўзгариши, газ, буғларни йўқотиш усулининг бузилиши ва бошқа ҳолатлар аварияга, портлашга олиб келади.

Технологик жараёнларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашда қуйидаги умумий тадбирлар амалга оширилади:

- 1) хавфли технологик усулларни хавфсиз турига алмаштириш;
- 2) ускуна-мосламаларни тусикланган ҳолатда жойлаштириш;
- 3) корхона биноларидаги қўлланадиган ёнувчи ва портлашга хавфли моддаларнинг миқдорини камайтириш;
- 4) ускуна, газ қувурларида, ҳаво алмаштириш тизимида ёнувчи

моддаларнинг портлашга хавфли коицентрацияси хосил булишига йул қўймаслик;

5) ёнувчи аралашмаларга ингибиторлар, инерт моддалар қўйиш;

6) ёнғин алангаланадиган моддаларни сақлашда, улар билан ишлашда инерт мухитини яратиш;

7) ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, механизациялаш, узлуксизлигини таъминлаш;

8) технологик ускуна ва коммуникацияларнинг герметиклигини таъминлаш ва жараёнда вакуум қўллаш;

9) белгиланган технологик режимни аниқ бажариш, стандартларга амал қилиш;

10) технологик ускуналарни таъмирлаш, тузатишдан сўнг ва ишга туширишдан аввал сув буғи ёки инерт газ билан ишлаш;

11) хавфли жойларда ўт манбаининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик;

12) ёнғин ва портлашнинг тарқалишига йўл қўймаслик;

13) кўрик, синов, режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш ишларини ўз вақтида олиб бориш, касб эгалари, мутахассисларни талабга мувофиқ танлаш.

Технологик жараён ва унга боғлиқ, ишларнинг ёнғин хавфлилиги аввалдан бахоланиб, сўнгра хавфни бартараф этиш учун муҳим, аниқ тадбирлар ишлаб чиқилади.

Бўлим бўйича хулоса шуки, “Самарканд Пахтасаноат” ОАЖ да ҳаёт фаолияти хавфсизлиги доирасида техника, электр ва ёнғин хавфсизлигининг барча меъёрий ҳуқуқий талабларига риоя этилган ҳолда амалий ишлар, чора ва тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

“Самарканд Пахтасаноат” ОАЖ моддий ресурсларини таҳлил қилиш ва уни самарадорлигини ошириш муаммоларини ўрганиш қуйидаги хулоса ва таклифларни қилиш имкониятини берди.

1. Моддий ресурслар корхонада ишлаб чиқариш омили ҳисобланади. Улар барча корхона таянадиган ва корхонанинг ишлаб чиқриш қувватини баҳолаш мезони бўлган ишлаб чиқариш базасини ташкил этади.
2. Иқтисодий эркинлаштириш тамойилига асосланган бозор муносабатлари ҳукм сураётган ҳозирги шароитда иқтисодий жараёнлар таркибида моддий ва меҳнат ресурслари билан биргаликда номоддий активлар ҳам иштирок этади. Уларнинг таркибига муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, ноу-хау, савдо маркалари, рўхсатномалар каби тушунчалар қиймати киради. Булар моддий бўлмасада, корхонага худди моддий бойлик сингари фойда келтиради.
3. Корхонанинг асосий белгиси – уларнинг ўзларига тегишли мулкнинг мавжудлигидир. Айнан шу нарса корхонанинг моддий техник имкониятларини белгилаб беради ҳамда уларнинг иқтисодий эркинлиги ва келажагини таъминлайди. Муайян мулкдан фойдаланмасдан ҳеч корхона ўзининг хўжалик фаолиятини амалга ошира олмайди.
4. Иқтисодий эркинлаштирилиши шароитида асосий фондлар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи, иқтисодий ўсишни таъминловчи барча омиллар ичида асосий ўрин эгаллайди.
5. Асосий ишлаб чиқариш воситаларининг ўсиши ялпи молиявий натижа ҳажмининг ўсиши билан ўзаро боғлиқдир. Хўжаликни тўғри юритиш натижасида ялпи молиявий натижа ҳажмининг ўсиши юқори бўлади. Шунда фондларга бўлган талаб маҳсулот бирлиги ҳисобига камаяди.

6. Моддий ресурслар таркиби асосий воситалар ва товар моддий захиралардан ташкил топган.

7. корхонада асосий воситаларнинг қиймати 2010 йилда 909067 минг сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилда 911734 минг сўм бўлган. Бундан кўриниб турибдики, 2010 йилга нисбатан 2011 йилда асосий воситалар қиймати 2667 минг сўмга ошган.

- корхонанинг барча активлари ўсиш тенденциясига эга. Жумладан, барча активларнинг қиймати 2010 йилда 271762801 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2011 бу кўрсаткич 447655528 минг сўмга етган. Бундан кўриниб турибдики, барча активлар суммаси 2010 йилга нисбатан 2011 йилда 175892727 минг сўм $(447655528 - 271762801)$ га ёки 64.7% $((447655528 * 100 : 271762801) - 100)$ га кўпайган.

-асосий воситаларнинг қиймати 2011 йилда ортган бўлсада, асосий воситаларнинг умумий активлардаги улуши камайиш тенденциясига эга. Жумладан, бу кўрсаткич 2010 йилда 0,23 % ни ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб асосий воситаларнинг умумий активлардаги улуши 0,11 % ни ҳосил қилган. Бунга асосий саббаб қилиб, корхонада барча активлар суммасининг кўпайганлигини ва корхона фақат олдиндан мавжуд, эски асбоб-ускуналардан, бино ва иншоотлардан фойдаланаётганлигини келтириш мумкин (2.2.2-жадвал)

- Маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми 2010 йилга нисбатан 2011 йилда 657314 минг сўм $(2349407 - 1692093)$ га ёки 38.8 % га кўпайган.

- корхонанинг ўз маблағлари 2010 йилга нисбатан 2011 йилда 74585163 минг сўмга кўпайган бўлиб, ўзгариш суръати 2010 йилга нисбатан 2011 йилда 22 мартага ошган. Ўз маблағларининг асосий воситалар билан таъминланганлиги 2010 йилда 39 тийинга тенг бўлган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 25,7 тийинга тенг бўлган. Бу эса 2011 йилда нисбатан 2010 йилга нисбатан 24.5 тийинга камайганлигидан далолат беради. Бу кўрсаткич ўз маблағларининг бир сўмига қанча асосий воситалар тўғри келишини

билдиради. Бу кўрсаткич 1 дан кам бўлса яхши. Агар 1 дан кўп бўлса корхона банкрот бўлади. Бизнинг ҳолатда бу кўрсаткич ижобий ҳисобланади.

- Ходимларнинг асосий воситалар билан қуролланганлик даражаси 2010 йилга нисбатан 2011 йилда 57,978 минг сўмга кўпайган. Корхонада ходимларнинг асосий воситалар билан қуролланганлик даражаси 2010 йилга нисбатан 2011 йилда сезиларсиз ошган. Шу сабабли корхонада ходимларнинг асосий воситалар билан қуролланганлик даражаси 2010 йилда ҳар бир ходимга 19762,326 минг сўмлик асосий восита тўғри келган. Бу кўрсаткич 2011 йилда ҳар бир ходимга 19820,304 минг сўмни ташкил этган.

Умуман олганда корхонанинг асосий воситалар таъминланганлик даражасини 2010 йилга нисбатан 2011 йилда ижобий баҳолаша бўлади. (2.2.4-жадвал)

- корхонада соф фойданинг 2010 йилга нисбатан 2011 йилда 686658 минг (1233142-546484) сўмга қупайиши натижасида асосий воситаларнинг рентабеллилиги 2010 йилдаги 60.1 % дан 2011 йилда 135,3 % га қупайди, яъни 2010 йилга нисбатан 2011 йилда асосий воситаларнинг рентабеллилиги 75,1 пунктга қупайди. Ўсиш суръати эса 2,2 мартага ошган.

- асосий воситаларнинг маҳсулдорлиги (қайтими), яъни асосий воситалар 1 сўмига қанча маҳсулот сотишдан тушган тушум тўғри келишини аниқлаш қуйидаги натижаларга олиб келди. 2010 йилда асосий воситалар қайтими 1,9 сўмни (1692093: 909067) ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилда 2,6 сўмни ташкил этган. Бундан кўриниб турибдики, корхонада асосий фондлар қайтими 2010 йилга нисбатан 2011 йилда 0,7 сўм (0.45-0.73) га ёки 38.4 % кўпайганлиги ижобий ҳолатдир.

- корхонада асосий воситаларнинг даромадлилиги 2010 йилда 241,8 % ни 2011 йилда эса 491,2 % ни ташкил этган бўлиб, 2010 йилга нисбатан 2011 йилда 249,4 пунктга кўпайган.

Умуман олганда “Самарканд Пахтасаноат” ОАЖ асосий воситалари самарадорлиги кўрсаткичларининг асосий воситалар қайтими, даромадлилиги ва энг асосий самарадорлик кўрсаткичи ҳисобланган асосий

воситалар рентабеллилиги кўрсаткичлари 2010 йилга нисбатан 2011 йилда юқори ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги туфайли корхонанинг асосий воситалар самарадорлиги кўрсаткичларини 2010 йилга нисбатан 2011 йилда ижобий баҳолаш мумкин.(2.1.3-жадвал)

- товар-моддий захиралар тузилишида ўзгаришлар рўй бермаган. Товар-моддий захиралар таркиби фақат ишлаб чиқариш захираларидан иборат бўлиб, 2010 йилда Ишлаб чиқариш захиралари суммаси 11247 минг сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилда 350350 минг сўмни ташкил этган. Бундан кўриниб турибдики корхона товар-моддий захиралари 2010 йилга нисбатан 2011 йилда 339103 минг сўмга ошган. Бу эса салбий ҳолатдир (2.3.1-жадвал).

товар захираларидаги маблағлар айланиши 2010 йилда $(9247 \cdot 365 : 1692093) = 2,0$ кунни ташкил этган бўлса, 2011 йилда $(180798.5 \cdot 365 : 2349407) = 28,0$ кунни ташкил этганлигини кўрамиз. Бошқача айтганда, ҳисобот йилида у 26 кунга секинлашган. Бу албатта салбий ҳолатдир. Чунки товар захираларидаги маблағлар қанча тез айланса шунча яхши натижаларга олиб келади. Корхона раҳбарлари товар-моддий захиралар айланишини тезлаштириш учун барча чораларни кўриши лозим. Бу ўз навбатида, умуман айланма мабалағлар ҳаракатини тезлаштиради ва бошқа хўжалик эҳтиёжларига йўналтирилиши мумкин бўлган маблағларни тежаб қолади.(2.3.2-жадвал)

8. “Самарканд Пахтасаноат” ОАЖ ходимларининг биринчи навбатдаги энг муҳим вазифаси ва мажбурияти маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш учун ишлаб чиқаришни техник ва технологик жихатдан янгилаш бўйича катта ва кичик лойиҳаларни излаш, зарур маблағ ва манбаларни топиш “Самарканд Пахтасаноат” ОАЖ ходимларининг биринчи навбатдаги энг муҳим вазифаси ва мажбурияти бўлмоғи керак.

9. Корхонани модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жихозлашни янада жадаллаштириш, замонавий мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш, ишлаб чиқаришни модернизация

қилиш, техник ва техналогик қайта жихозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича қабул қилинган тармоқ дастурларини амалга оширишни тезлаштириш. Ўз навбатида, бу мамлакатимизнинг ҳам ташқи, ҳам ички бозорида барқарор мавқиега эга бўлишини таъминлаш имконини беради.

10.Жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқаришни, ташқи бозорларда рақобатдош бўлишни қўллаб қуватлаш бўйича аниқ чора тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омилларни қўллаш ўта долзарб ҳисобланади.

11.Корхонадаги мавжуд муаммоларни ижобий ҳал этиш учун асбоб ускуналарни янгилаш, мавжуд кераксиз асосий воситаларни сотиш ва улар урнига зарур асбоб ускуналарни харид қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан ташқари узаро манфаатдорлик тамойилига асосланган шерикларнинг асбоб ускуналарни етказиб бериш бўйича инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқариш лозим. Бизнинг фикримизча фақат пул кўринишида эмас балки техника-технология кўринишида ҳам инвестицияларни жалб этиш зарур. Мавжуд муаммони ҳал этишнинг яна бир йўли келгусида харид қилиш йўли билан лизинг компаниялари билан шартнома тузиш ҳисобланади. Агарда бу муаммоларни ҳал этишда тавсия этилган тақлифларимиз ҳам ижобий натижа бермаса унда корхона мулк шаклини тўлиқ давлат зиммасига ўтказиш керак

12.“Самарканд Пахтасаноат” ОАЖда асосий воситалардан самарали фойдаланиш учун қуйидаги ишлар амалга оширишини тавсия қиламиз.

– корхоналарни модернизация қилиш, техник ва техналогик техналогик қайта жихозлашни янада жадаллаштириш, замонавий мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш.

– ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва сотилаётган маҳсулот ҳажмининг ошириш.

– ишлаб чиқаришга банд бўлган-ҳодимларнинг меҳнат унимдорлигини ошириш.

– асосий воситалар алоҳида турларидан интенсив фойдаланиш.

– корхонанинг техникавий даражасини кутариб туриши ва бошқалар.

Ишлаб чиқариш корхоналари активлари самарадорлигини ўрганишда айланма маблағлар самарадорлигини таҳлил қилиш муҳим ўрин тутди.

13.Товар-моддий заҳиралардаги маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида :

- маҳсулот сотиш ҳажмини кўпайтириш;
- чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш ва турларини кўпайтириш;
- товар-моддий заҳиралар тузилишини мақбуллаштириш;
- меъёридан ортиқча ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулот заҳираларини, шунингдек, тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажмларини камайтириш;
- чиқарилаётган маҳсулот талаби ва таклифини ўрганишни яхшилаш;
- товар-моддий заҳираларни қабул қилиш. Сақлаш ва етказишни тўғри ташкил этиш лозим.

Товар-моддий заҳиралар билан боғлиқ санаб ўтилган вазифаларни ҳал этиш корхона иши самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатиши муқаррардир. Шу туфайли товар-моддий заҳиралар таҳлили иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисми бўлиб қолмоғи лозим.

Айтилганларни корхона фаолиятига қўллаш фикримизча, товарлар сотилмай қолишининг олдини олиш ва натижада активлар самарадорлигининг ошишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни. - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари ва давлат бюджети тўғрисидаги 1996 йил 31 декабрдаги 469 сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўғрисида қонун. 1991 йил 15 феврал Ўзбекистон Республикаси қонун ва фармонлари. Тошкент. “Ўзбекистон”, 1992.
5. Инвестиция фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабр қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ахборотномаси, 1999 йил 1-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари

1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

2. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

3. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.

4. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.-Т.: Ўзбекистон, 2010.

5. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

6.Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2011 йил 8 декабрь.

7. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтариладиган йил бўлди Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14

3. Илмий монография, ўқув қўлланма ва дарсликлар

1. Абдукаримов Б. А. ва бошқалар Корхона иқтисодиёти. Дарслик .-Т.: Фан, 2005.
2. Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари. “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, Тошкент, 1999.
3. Акрамов Э.А. корхонанинг молиявий ҳолати таҳлили.-Т.: Молия, 2003.

4. Гулямов С.С. идр. Политика доходов и заработной платы.-Т.: 2001.
5. Дадабоев Ю., Худойбердиева А. Корхона иқтисодиёти.-Андижон.; “Andijon”, 2002.
6. Мухаммадиев М .М. ва бошқалар. Тадбиркорлик иқтисодиётининг асослари.- Самарқанд: СамКИ, 1998.
7. Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси.-Самарқанд: Зарафшон, 2001.
8. Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А., Меҳнат иқтисодиёти ва сациологияси. –Самарқанд: СамКИ, 2002.
9. Пардаев М.Қ. Молиявий таҳлил методологияси. Самарқанд, СамКИ, 1996.
10. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил.-Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 1999.
11. Пардаев М.Қ. Лоиха таҳлили- Самарқанд, СамКИ, 2001.
12. Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва иметодологик муаммолари.-Т.: “Fan va texnalogiya”, 2007
13. Пардаев М.Қ., Абдукаримов И.Т., Исроилов Б.И. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. -Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, Тошкент, 2003.
14. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. 1-қисм.-Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2001.
15. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. 2-қисм.-Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2001.
16. Пардаев М.Қ., Абдукаримов И.Т., Абдиев А.А., Исроилов Б.И. Корхонада молиявий ҳисоботлар таҳлил- Самарқанд: СамИСИ, 2007.
17. Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари.-Т.: Ўзбекистон, 1999.
18. Зайниддинов Ш. Амалий мененжмент, ўқув қўлланма-Т.: «ТДИУ» 2003.

**19. Самарқанд вилоят “Пахтасаноат” уюшмаси моддий ресурслари
ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларнинг таҳлили**

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар номи	2010 йил	2011 йил	Фарқи (+;-)	Ўзгариш суръати, %
1	Барча активлар қиймати	271762801	447655528	175892727	164,7
2	Моддий ресурслар қиймати, жумладан:	920314	1262084	341770	137,1
2.1 .	Асосий воситалар қиймати	909067	911734	2667	100,3
2.2 .	Товар моддий заҳиралар қиймати	11247	350350	339103	3115,1
3	Моддий ресурсларнинг барча активлардаги улуши	0,34	0,28	-0,06	83,3

20.

21. Манба: Самарқанд вилоят “Пахтасаноат” уюшмаси “Бухгалтерия
баланси – 1- сонли шакл” маълумотлари асосида муаллиф томонидан
ҳисобланди